БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 252 (4351).
4 НОЯБРЬ, 1980 й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Тонгги газеталарда

● Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Шаҳрисабз, Самарқанд ва Ленин районларининг ҳар бирида 1985 йилда гўшт етиштиришни 10 минг тоннага етказиш ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтириш юзасидан мазкур районлар меҳнаткашларининг тадбирларини маъқуллади. Ушбу тадбирлар бугун тонгги газеталарда эълон қилинган.

● Сурхондарё областининг қишлоқ меҳнаткашлари давлатга пахта сотиш юзасидан юксак социалистик мажбуриятларини анча ошириб бажардилар. Ватанимиз хазинасига хирмонига Сурхондарёнинг 540 минг тонна «оқ олтин»и етказиб берилди. Ингичка толали пахта тайёрлаш йиллик плани ҳам муваффақиятли адо этилди. Давлатга 210 минг тоннадан кўпроқ гоят қимматли ингичка толали нав пахта топширилди.

● Фарғона области меҳнаткашлари пахта тайёрлаш йиллик плани бажарилганлиги тўғрисида ғалаба рапортига имзо чекдилар. Она-Ватанга 580 минг тонна «оқ олтин» етказиб берилди.

● 600 минг тонна «оқ олтин» тайёр!—Андижон области пахтакорлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллиги арафасида шундай деб рапорт бердилар.

Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар

Матбуот марказимиз хабар қилади

Тошкент бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайловлар ниҳоясига етмоқда. Бугунгача уларнинг 75 процентида йиғилишлар бўлиб ўтди.

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси, чинни, «Таштекстильмаш», экскаватор ремонти, тажриба-механика заводлари, «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳисобот-сайлов йиғилишлари юксак уюшқоқлик ва ғоявий-сиёсий савияда ўтди.

Ташаббуслар

Пардозлаш трестининг 24-қурилиш бошқармаси коммунистлари москваликларнинг Улуғ Октябрнинг 63 йиллигини муносиб кутиб олиш ташаббусини қўллаб-қувватлаб, беш йиллик топшириқни 7 ноябрга бажариш мажбуриятини олдилар.

10-автомобиль ремонти заводи ҳисобот-сайлов партия йиғилишида беш йиллик топшириғини адо этган механика цехи токари Г. Якимов биринчи квартал планини КПСС XXVI съезди очиладиган кунгача бажаришга ваъда берди, коммунистларни шу ташаббусни қўллаб-қувватлашга чақирди.

Лак-бўёқ заводи ҳисобот-сайлов йиғилишида сўзга чиққан слесарь Э. Юсупов 23 декабргача йиллик планни бажариш ва мажбуриятга қўшимча 30 тонна эмаль ишлаб чиқариш мажбуриятини олди.

Коммунистларнинг танқидий мулоҳаза ва таклифлари

«Ташметрострой» трести партия комитетининг секретари В. Артюшенко йиғилишда трест коллективи ўртасида Злобин методи суст жорий этилаётгани тўғрисида танқидий мулоҳаза билдирди.

Куйбишев район алоқа узелидан коммунист Ҳ. Абдусаматов архитектура-планлаштириш бош бошқармаси шаънига почта-алоқа бўлимини жойлаштириш янги турар жой массивлари планлаштирилаётганда ҳисобга олинмаётгани ҳақида эътироз билдирди. 135-мактаб коммунистлари мактабнинг айрим бинолари аҳволи ёмонлиги учун тезда ремонт қилиш масаласини қўйдилар.

Коммунистлар ишончи

8-ремонт-қурилиш бошқармаси партия ташкилоти секретарлигига А. Лобанов сайланди. У илгор бригада бошлиғи бўлиб, ишга виждонан ёндошади, смена нормасини доимо ошириб бажаради, коллективнинг жамоат ҳаётида актив қатнашади. Л. Земскова сут комбинатида 20 йилдан бери ишлаб келмоқда. Ишни оддий ишчиликдан бошлаган цех бошлиғи ҳам бўлган. Эндиликда илмий-тадқиқот лабораториясининг мудиридир. Ишлаб чиқаришни яхши билади. Бир неча марта партия бюроси аъзоси қилиб сайланган. Коммунистлар унга ишонч билдириб, партия бюроси секретари қилиб сайлашди.

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг ремонт-қурилиш бошқармаси коммунистлари В. Лебедни ўзларига етакчи қилиб сайлашди. У дурадгор бўлиб ишлайди. Ёшларнинг мураббийсидир.

«Сергели» темир йўл станцияси коммунистлари С. Фатеевни тўртинчи марта партия ташкилотининг секретари қилиб сайлашди. Мана, 35 йилдан буён у темир йўл соҳасида ишлаб келяпти. Ҳозир у навбатчи бўлиб ишлаяпти. Қизил Юлдуз ордени, медаль, кўпгина фахрий Ёрлиқлар билан мукофотланган.

Тадбирлар кўрилди.

«Ташсельмаш» заводининг 2-цех ҳисобот-сайлов йиғилишида слесарь Б. Таранова маиший хизмат биноларида иссиқ сув йўқлигини айтди. Бу масала парткомда кўрилиб чиқилди. Иккита иссиқ сув келтирадиган мослама ўрнатилди. Ҳозир мунтазам иссиқ сув бор.

Вагон депосининг коммунистлари ҳисобот-сайлов йиғилишида юк составларини йўлга қўйиш қониқарсизлигига эътиборни қаратишди. Коллективда қўшимча техник машғулотлар ўтказилди. Составлар иши яхшиланди, вагонларнинг бўш туриб қолиш ҳоллари камайди.

10-автомобиль ремонти заводи прицеп цехи партия ташкилоти йиғилишида пайвандчи С. Абдуқодиров маъмурият шаънига қишки мавсумга суст тайёргарлик кўрилаётганлиги муносабати билан танқидий фикрлар билдирди. Ҳозир зарур чоралар кўрилиб, биноларнинг ремонтдан чиқарилди.

XXVI

МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИМИЗ — УЛУҒ ОКТЯБРГА

СОВЕТ ИТТИФОҚИ МЕҲНАТКАШЛАРИ! ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ УЧУН АКТИВ КУРАШИНГИЗ!

(КПСС Марказий Комитетининг Чақириқларидан).

БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАН ТАЙЁР!

Пойтахтнинг Чилонзор райони саноат корхоналари коллективлари Улуғ Октябрнинг 63 йиллигини ажойиб меҳнат муваффақиятлари — беш йиллик учун қабул қилинган социалистик мажбуриятлари ҳисобига, пландан ташқари 15,5 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилиш билан қарши олиштилар. Чилонзорликлар 22 октябрда беш йиллик планни муддатидан илгари бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар.

Мазкур беш йилликда маҳсулот реализация қилиш бўйича 2-пойафзал фабрикаси, Ўзбекистон кўрлар жамиятининг ишлаб чиқариш комбинати коллективлари юқори кўрсаткичларга эришдилар. Чилонзор райони меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди шарафига социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириб, ўз зиммаларига янги мажбурият қабул қилдилар: йил охирига қадар беш йиллик социалистик мажбурият ҳисобига яна 13,6 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга ва реализация қилишга.

Ун биринчи беш йиллик ҳисобига маҳсулот тайёрлаётган ишлаб чиқариш илғорлари сафи «Малика» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам тобора кенгайиб бораяпти. Раиса Мирзаева ана шулардан биридир.

М. Нуриддинов фотолари.

Зарбдор меҳнат намунаси

Тошкентдаги «Учқун» тўқимачилик-галантерея ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи байрамолди кунларида зарбдорона меҳнат қилмоқда.

З. Тонготарова, Т. Зоирова бошлиқ тикувчилар бригадаси, А. Язнакаев раҳбарлигидаги тўқувчилар бригадаси, Ленин район Совети депутати бўёқчи В. Лошак, тўқувчи В. Ишкова, гул босувчи И. Рамакаева каби ўн биринчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилаётган зарбдорлар социалистик мусобақанинг олдинги сафида боришмоқда.

Бирлашма корхоналарида тайёрланаётган тўқимачилик - галантерея маҳсулотларининг қарийб бешдан бир қисми давлат Сифат белгиси билан тайёрланмоқда.

БУГУН

Закавказье матлубот жамияти савдо ташкилотларига бешта контейнерда ҳар хил гуллар туширилган крепдешин, ацетат шойи рўмоллар ва галантерея буюмлари жўнатилди. Булар корхона коллективининг байрам шарафига планга қўшимча ишлаб чиқарган маҳсулотларининг бир қисмидир.

ТАШАББУСКОРЛАР ҲУЗУРИДА

ҲИММАТ КЎРСАТИБ ИШЛАШДИ

РЕПОРТАЖ

Эгатлар оралаб бораётган Саодат Саматованинг қўллари чаққон ҳаракат қилади. Гўё унинг этаги пахтага ўзидан ўзи тўлиб бораётганга ўхшайди. У тушган ариқ бир неча дақиқанинг ўзидаёқ тол-тоза бўлади. Фақатгина чаноқлари бўшаган ғўзапоялар қолади. Кечқурун хирмонда Саодатнинг бир кунда терган пахтаси 150 килограммдан ошганлиги маълум бўлди. Бу чаққон теримчи ҳар куни ана шундай ишламоқда.

С. Саматова ҳозирда Тошкент халқ хўжалик институти қишлоқ хўжалик экономикаси факультетининг 3-курс студентидир. У олий ўқув юртини тугатгандан кейин ўзининг туғилиб вояга етган қишлоғи—Самарқанд областидаги Оқдарё районига бориш ниятидаги. Чунки қишлоққа малакали экономистлар жуда ҳам зарур.

— Биз, студентлар пахта теримининг ана шу машаққатли кунларида ёрдамимиз зарур бўлиб қолганлигидан гоятда фахрланамиз, дейди Саодат. — Она Ватан Ўзбекистон республикасининг қудрати ва ифтихори бўлиб қолган жуда катта бойлик —улкан хирмонни қабул қилиб олади. Бизлар ҳаммамиз пахта теримини муддатидан илгари тугалланишига муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қиляпмиз. Чунки бугунги кунда ҳаммамиз пахтакормиз.

Суҳбатимизга факультет декани, иқтисод фанлари кандидати Рисбек Алжонович Алжонов қўшилди:

— Студентлар далаларда тиним билмай виждонан ишламоқдалар. Адолат Шойимардонова, Раъно Жуманиёзова, Шарофат Жумаева, Шоира Саидаҳророва ва бошқа кўпгина студентлар бир кунда 140—150 ва ундан ошириб пахта термоқдалар. Ўтган беш кунлик якунларига кўра, факультет кўчма Қизил байроқни ўз қўлида сақлаб турибди. Биз бу байроқни ўзимизда абадий қолдириш учун курашмоқдамиз. Чунки факультетимиз музейида ана шундай байроқларнинг ўн учтаси сақланяпти.

Бу йилги пахта йиғим-терими институт коллективи учун ўзига хос имтиҳондир. Тошкентдаги барча олий ўқув юртларига қарата мурожаат қилиб, пахта йиғиб-теримини муддатидан илгари тугатишга бел боғлаган қалби олов ёшларимиз ҳозирги кунда социалистик мусобақанинг олдинги маррасида боришмоқда, ташаббусларнинг юксак шон-шуҳратига яраша садоқат билан меҳнат қилишмоқда. Пахта йиғим-теримига 4 мингдан ошиқ киши чиқиб борган. Мавсум бошидан буён катта хирмонга 3 минг тоннадан ортиқ пахта тўкилди. Институт Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги ва «Жиззахцелинхлопок» трестининг кўчма Қизил байроғини ўз қўлида сақлаб турибди.

Институтнинг қишлоқ хўжалиги экономикаси, учет-экономика, план-экономика, молия-экономика ва бошқа факультетлари коллективининг олдинги сафида боришяпти. Институт коллективи Жиззах областидаги Ворошилов ва Юлиус Фучик номли совхозларнинг далаларида меҳнат қилмоқда. Деҳқонлар шаҳардан борган ҳашарчилар меҳнатидан мамнун. Юлиус Фучик номли колхоз директори Йўлдош Зоҳидов бундай дейди:

— Биз катта ҳосил етиштирдик. Ҳозиргача 12 минг тонна пахта териб олдик. Бу планлаштирилганидан 1,3 минг тонна кўпдир. 4 минг 700 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 26 центнердан ҳосил кўтардик. Бу кўрсаткич қўриқ шароитида арзигулидир. Албатта, бундай ҳосилнинг салмоқли қисми машиналарда териб олинди. Лекин студентларнинг ҳиссаси ҳам сезиларли бўляпти. Уларнинг ёрдамисиз биз бундай катта муваффақиятга эришувимиз қийин эди.

Ворошилов номли совхозда ҳам студентлар шаънига илиқ гаплар айтишди. Бу хўжаликнинг кўчма Қизил байроғи план-экономика факультетига топширилган.

Институт коллективи далада ўз ишини тўғри ва аниқ ташкил қилабилганлиги туфайли арзигули муваффақиятга эришмоқда. Институт ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор М. Ш. Шарифхўжаев, партия ташкилотининг секретари М. Г. Алиевларни кечаси ҳам, кундузи ҳам студентлар даврасида кўриш мумкин. Ш. Хошимхўжаев раҳбарлик қилаётган комсомол комитетининг аъзолари ҳам институт маъмуриятига яқиндан ёрдам беришмоқда. Студентлар пахта йиғим-терими вақтида ўз уйларига айланиб қолган дала шийпоналарига чарчаган, лекин бугунги меҳнатидан мамнун бўлган ҳолда қайтиб келадилар. Уларни кечқурунги қайноқ лазатли таом кутади. Кечқурун эса институт партия комитети аъзоси, иқтисод фанлари кандидати, доцент Г. А. Хачиев раҳбарлик қилаётган агитбригада студентлар ҳузурига меҳмон бўлиб келади. Қувноқ қўшиклар, ҳазил мутойибалар томошабинларга жуда ҳам манзур бўлади.

Ҳосил йиғим-терими ниҳоясига етди. Студентлар уйларига зўр қониқиш ҳисси билан қайтиб келдилар. Энди улар яна ўқув аудиторияларини тўлдиришади.

И. АЛИМОВ,
«Тошкент оқшоми»нинг махсус мухбири.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ЯНГИ ҲАЙКАЛИ

БУГУН

Тошкент ҳайкалтарошлик тажриба комбинатининг ижодий коллективи қатор ҳайкаллар ва ёдгорликларни яратиш ишларини тугатди. Шулардан бири республикамизнинг биринчи президенти Йўлдош Охунбобоев ёдгорлигидир. Президентнинг ҳайкали ҳозирги Чорсу майдонидаги ҳайкалнинг янги намунасидир.

ИЛҒОРЛАР ШАРАФИГА

БУГУН

Фурқат номидаги маданият ва истироҳат боғида Тошкент «Электроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси пешқадамлар и н и н г «Ёшлик» маданият уйи санъат коллективи билан учрашуви ўтказилди. Учрашувда илғорлар сўзга чиқиб ўз муваффақиятлари ва режалари ҳақида гапирдилар.

Учрашув сўнгида маданият уйи санъат коллективи катта концерт берди.

ҚЎШИҚ ОҚШОМИ

БУГУН

пойтахтимизнинг Собир Раҳимов районидаги А. С. Пушкин номли 119-ўрта мактабда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллигига бағишланган «Қўшиқ» кечаси ўтказилди. Кечага М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси санъаткорлари меҳмон бўлиб келдилар. Ажойиб достонлар ижрочиси Отахон Матёқубов, Онабиби Аҳмедовалар революцион қўшиқлар — халқ қўшиқларидан ижро этдилар. Оригинал жанр устаси Собиржон Маҳкамов ўз санъатини намойиш этиб йиғилганларни хушнуд этди.

Ҳ. ИНОҒОМОВ.

ТИНЧЛИК ФОНДИГА

Яқинда Акмал Икромов район Ҳамкор кўчаси 1-проезд, 30-уйда истиқомат қилувчи кенса пенсионер Маҳмадали ота Аминов Совет тинчлик фондига 1000 сўмлик оммавий заёмни топширди.

— Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, — дейди отахон,— бизга бош бўлиб, бугунгидек тўқ, фаровон замонга олиб келди. Ҳозирги кунда серфайз, табассум ва шодлик тўла хонадонларни, бахтиёр оилаларни кўриб кўзим қувонади. Шундай замонга ташаккур айтгим келади.

Т. МАҲМУДХЎЖАЕВ.

ЎРТА ОСИЁДА ЭНГ БАЛАНД

БУГУН

11-«Висотстрой» тресті қурувчилари шаҳримиздаги 16 қаватли турар жой биноси қурилишини жадал суръатда давом эттирмоқдалар. Ўрта Осиёда энг баланд истиқомат маскани бўладиган бу бинонинг пойтахтимизнинг Сапёрная кўчасида қад ростламоқда.

ана шу бинонинг навбатдаги бешинчи қавати қуриб битказилди. Қурилиш ишларини трестнинг В. Ишков бошлиқ коммунистик меҳнат бригадасининг 35 кишилик коллективи олиб бормоқда.

Халқаро мавзуда суҳбат

ФОРС КЎРФАЗИДАГИ МОЖАРО КИМГА НАФ БЕРАДИ?

Ироқ билан Эрон ўртасидаги қуролли можаро тобора чўзилиб бормоқда. Бир неча юз километрга чўзилган фронтда жанговар операциялар давом этмоқда. Бу ҳаракатларда тўплар, танклар қатнашмоқда. Иккала томоннинг самолётлари фронт чизиғига яқин жойда ҳам, душманнинг анча ичкари томонида ҳам жойлашган шаҳарларга, саноат ва ҳарбий объектларга бомбалар ташламоқда. Шатт-ал-араб дарёси этакларида денгиз жанглари давом этмоқда. Иккала томондан кўплаб одамлар ҳалок бўлмоқда, техника мажақланмоқда, тинч аҳоли орасидаги қурбонлар сони ортиб бормоқда. Шу пайтгача иккала мамлакатнинг экономикасига анча катта зиён етди.

Аввалига Шатт-ал-араб дарёсининг сўл соҳилидаги территориянинг чоғроқ участкасини даъво қилган Ироқ энди Эроннинг бутун бир Хузистон вилоятини даъво қила бошлади. У қадим ўтмишга илдизи бориб тақаладиган баъзи бир территориал даъволар қондирилишини талаб қилмоқда. Урушнинг дастлабки кунларидаги мағлубиятларга қарамай, Эрон қўшинлари қаттиқ қаршилик кўрсатмоқда. Теҳрон Эрон территориясида Ироқнинг битта ҳам солдати қолмагунча урушни давом эттиради, деб айтмоқда.

Кўп жиҳатлари бир-бирига ўхшаб кетадиган иккала мамлакат ўртасида қандай қилиб қонли можаро чиқиши мумкин бўлди? Уларнинг иккаласи ҳам қўшилмаслик ҳаракатининг қатнашчиси, иккаласи ҳам империализмга қарши актив позицияда турган давлатку ахир?! Бу можаро иккала мамлакатга жуда катта шикаст етказмоқда, жаҳон ва аввало Америка империализмининг кучайиб бораётган ҳарбий аралашуви хавфи қаршисида уларни заифлаштириб қўймоқда.

Яқин ва Ўрта Шарқдаги антиимпериалистик фронтни парчалаб ташлашдан, бу фронтда муҳим роль ўйнаётган Эрон билан Ироқни заифлаштиришдан манфаатдор бўлган кимсалар Ироқ билан Эрон ўртасидаги биродаркушлик урушини келтириб чиқаришганликлари ва уни зўр бериб авж олдираётганликларига шаксшубҳа йўқ. Бу қимсалар шу районнинг нефть бойликларини қўлга киритиб олишни, бу районда ўз қўшинларини мустаҳкам ўрнаштириб қўйишни кўзламоқдалар. Шу муносабат билан Америкадаги «Тайм» журналининг АҚШ ва унинг иттифоқчилари шу райондаги ўз таъсири ва қуролли кучларини сақлаб қолишдан «манфаатдор» эканини изоҳлаб ёзган қуйидаги сўзларини эспаш ўринлидир: «Капиталистик дунё ўзи ишлатаётган жами нефтнинг тахминан 40 процентини шу ердан олмоқда, АҚШ эса ўз эҳтиёжларининг учдан бир қисмини шу район нефти билан қопламоқда».

Дарҳақиқат, Оқ уй Эрон-Ироқ можаросида «бетараф» эканлиги тўғрисидаги расмий баёнотлар никоби остида дарҳол ҳаракат қила бошлади. Оклахомадаги (АҚШ) ҳарбий ҳаво базасида Саудия Арабистонига АВАКС жосуслик кузатуви системаси билан таъминланган тўртта самолёт, шунингдек ерга ўрнатиладиган радиолокация станцияси келтирилди. Америкининг 30 тадан ортиқ ҳарбий кемаси, шу жумладан 170 та ҳарбий самолёт жойланган иккита кемасидан иборат жуда катта эскадраси Форс кўрфазига яқинлаштирилди. АҚШ «тез ҳаракат қилиш кучлари»ни Форс кўрфази районига юборишга ҳозирлик кўрмоқда. АҚШ Яқин ва Ўрта Шарқда тайёрланётган авантюрага НАТОдаги бошқа мамлакатларни ҳам жалб қилмоқда.

Бу ифвогарлик ҳаракатлари —шу йилнинг январь ойида эълон қилинган «Картер доктринаси» деб аталган доктрина амалга оширилишининг бевосита натижасидир. Шу доктринада, жумладан, Форс кўрфази «Американинг ҳаётий манфаатлари районы» деб эълон қилинган, «шу районга бўладиган хавфни АҚШ ҳер қандай воситалар билан даф қилишга» тайёр эканлиги айтилган. Ўша вақтда «Кристчен сайенс монитор» газетаси «Картер доктринасі»ни шарҳлаб, АҚШ «нефть қазиб олиш, тақсимлаш ва унга нарх қўйиш устидан контроллик ўрнатишга уриниш учун кучдан фойдаланишга тайёр эканини ёзган эди.

Мана шу машъум «доктрина»га мувофиқ шу йилнинг бошларидан бери АҚШдан жуда олис бўлган мазкур районда Америка қуролли кучларини кўпайтиришга киришилди. Ироқ билан Эрон ўртасида биродаркушлик уруши давом этаётган ҳозирги пайтда эса Вашингтон ўзининг агрессив режаларини зўравонлик билан амалга оширишга уриниш мақсадида қуролли йўл билан аралашиш учун қулай пайтни пойламоқда.

Шунинг учун ҳам Ироқ-Эрон можароси сабабли Яқин ва Ўрта Шарқдаги вазиятнинг кескинлашуви тинчликни ва қадрловчи барча кишиларни жуда ташвишга солмоқда. Бизнинг мамлакатимиз Ироқ билан Эрон ўртасидаги низоли масалалар ташқаридан ҳеч кимни аралаштирмай, музокаралар йўли билан тезроқ ҳал этилишининг қатъий тарафдоридир. Совет Иттифокининг позицияси шундан иборатки, дунёнинг бошқа ҳар қандай районы каби Форс кўрфази районы ҳам —бошқа қандайдир давлатларнинг эмас, балки шу районда жойлашган давлатларнинг ҳаётий манфаатлари соҳасидир. Бас, шундай экан, уларнинг ишларига васе ёки сохта «тартиб посбонлари» сифатида ҳеч кимнинг аралашишга ҳаки йўқ.

Т. КУДРЯВЦЕВА,
(ТАСС).



Бу йил республикамиз пахтакорлари мисли кўрилмаган «оқ олтин» ҳосилини тўпладилар. Ҳосилнинг аксарият қисми «зангори нема»лар билан териб олинди. Шунинг учун ҳам пахтакорлар ана шу қудратли машиналарни етказиб бераётган «Ташсельмаш» заводи машинасозларига самимий миннатдорчиликларини изҳор этмоқдалар.

СУРАТДА: корхона 22-цехининг шпинделлар йиғиш-монтаж қилиш участкасида.

● *«Ўртоқ ва Волга» иттифоқига садоқат*

ҚЎРИҚ ЕР ТУҲФАЛАРИ

Мана, бир неча кундирки, шаҳримиз бозорлари ва майдонларида атрофига алвон шиорлар илинган юк машиналари пайдо бўлиб қолди. Машиналар устидан ҳамда пештахталардан сотилаётган куз неъматларини ҳамшаҳарларимиз севиб ҳарид қилишмоқда. Республикамиз областларида етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ярмаркасини ўтказиш яхши анъана бўлиб қолди. Бу сафарги ярмарка пахтакорларимизнинг улкан зафарлари таассуроти остида, байрам кайфиятида ўтмоқда.

Сергелидаги колхоз бозори. Бу ерга байроқлар, шиорлар билан безатилган юк машиналари бирин-кетин кириб-чиқиб турибди. Уларда Ульянов, Таллимаржон, Шаҳрисабз, Яккабоғ ва бошқа районларнинг номини ўқиймиз. Қашқадарёлик деҳқонлар тўртинчи марта районимизда меҳмон бўлишмоқда, — дейди Сергели район ижроия комитети раисининг ўринбосари Е. Я. Михайленко. — Ҳар сафар сабзавот ҳосилидан карвон тайёрлаб, Сергели районы меҳнаткашларига олиб келдилар.

— Қашқадарёлик деҳқонлар тўртинчи марта районимизда меҳмон бўлишмоқда, — дейди Сергели район ижроия комитети раисининг ўринбосари Е. Я. Михайленко. — Ҳар сафар уларнинг келиши чинакамига байрамга айланиб кетади. Биз ҳам уларни яхши кутиб олишга, зарур шарт-шароитлар яратиб беришга интиламиз. Районимиз меҳнаткашлари қўриқ ер туҳфаларини иштиёқ билан ҳарид қилмоқдалар. Чунки бу маҳсулотларнинг сифати яхши. Буларнинг ҳаммаси учун область меҳнаткашларига, партия ва совет органлари раҳбарларига районимиз аҳли номидан миннатдорчилик билдирамиз.

Сергели бозорида Қашқадарё область ижроия комитети раиси ўринбосари Н. У. Бегматов билан учрашдик. У ярмарка штабида район вакилларига кўрсатмалар бераётган экан.

—Карвонимиз 237 машинадан иборат, — дейди Н. У. Бегматов, — жами минг тоннага яқин қишлоқ хўжалик маҳсулоти олиб келдик. Улар 30 хилдан ортиқ мева, сабзавот, гўштдан иборат. Фақатгина икки дам олиш кунида 500 тоннага яқин маҳсулот сотилди.

Ярмарка «Ўроқ ва Волга» иттифоқининг, шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорликнинг ёркин намойишига айланмоқда.

КПСС Марказий Комитети октябрь Пленуми қарорлари — амалда

КПСС XXIV ва XXV съездларида ишлаб чиқилган партиямиз иқтисодий стратегиясининг амалда тўғрилигини тасдиқлаган ўнинчи беш йиллик якунланмоқда. КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган октябрь Пленумида таъкидланганидек, мамлакат янги ўн биринчи беш йилликка қадам қўймоқда, бу беш йилликда совет халқи фаровонлигини оширши бўйича янги собит қадам ташланиши керак.

Уй-жой қурилишига биринчи даражали аҳамият берилади. Капитал қурилишнинг бу соҳасида жуда кўп ишлар қилинди. Кўп миллионли қурувчилар армияси билан бир сафда пойтахтимиздаги Тошкент қурилиш Бош бошқармасининг кўп минг сонли коллективи ҳам олға томон дадил қадам ташламоқда.

Мухбирларимиз М. Абдуллаев ва В. Энкерлар Тошкент қурилиш Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Қудрат Абдуллаевич СОЛИҲОВга мурожаат қилиб, Ўзбекистон пойтахтида капитал қурилишни тараққий эттиришнинг баъзи проблемалари ва истиқболлари ҳақида гапириб беришни илтимос қилди.

МУАММО ВА ИСТИҚБОЛЛАР

— Қудрат Абдуллаевич! Биринчи навбатда Бош бошқарма 1980 йил якунига қандай натижалар билан келаётганлиги ҳақида билишни истардик.

— Йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида 1980 йил учун мўлжалланган 255 миллион сўмлик ишнинг 200 миллион сўмлиги амалга ошириб бўлинди. Бу белгиланган режадагидан анча кўпдир. Қурилиш ишлари ҳажмининг ўсиши эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 103,5 процентни ташкил этди. Бош бошқарма бунёдкорлари ўз кучлари ҳисобига пландаги 158 миллион сўмлик ўрнига 163 миллион сўмлик қурилиш ишларини бажаришди. Йил бошидан буён 573 минг квадрат метрдан кўпроқ турар-жойлар, 9 минг ўринли мактаблар, 2,5 минг ўринли мактабгача тарбия болалар муассасалари ва 30 га яқин маданий-маиший объектлар қуриб фойдаланишга топширилди.

Бу рақамлар Бош бошқарма коллективлари ўнинчи беш йилликкинг якунловчи йилидаги план ва мажбуриятларини муваффақиятли уддалаётганликларидан дарак беради. КПСС XXVI съездини муносиб қутиб олиш учун кенг қулоч ёйдирилган социалистик мусобақа ҳам бу ютуқларда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Маълумки, Бош бошқарманинг айрим бўлимлари ўз олдиларидаги вазифаларни бажаришда қолоқликка ҳам йўл қўйишяпти. Бош бошқарма ва унинг ишлаб чиқариш бўлимларни раҳбарлари бу борадаги қолоқликни бартараф этиш, қурилиш ишлаб чиқаришини такомиллаштириш учун қандай тадбирларни амалга оширмоқда?

— Хўжалик юритишнинг прогрессив формаларини ўзлаштириш, ишидаги сифат, иқтисод ва тежамкорлик кўрсаткичларини яхшилаш бўйича қатор ишлар қилинди. Бу борада уй-жой қурилиш трестининг тажрибаси эътиборга сазовордир. Уй-жой объектларини тезкорлик билан қуриш ва ишга тушириш учун кўрилаётган комплекс тадбирлар ичида буюртмачи ва пудратчи ташкилотларнинг айрим иш ҳажмлари бўйича ҳисоб юритишлари фойдали бўляпти. Қурилиш банки маълумотларига кўра, 1981 йил охирига қадар ҳисоб юритишнинг бундай системасига республикамиздаги барча қурилиш ва монтаж ташкилотлари ўтиши керак. Тошкент қурувчилари ҳам бунга амалий жиҳатдан пухта тайёргарлик кўришяпти. Бош бошқарма ишлаб чиқариш бўлинмаларида биринчи бўлиб ҳисоб юритишнинг бу янги системасига Уй-жой қурилиш трести ўтказилди.

— Ўзаро ҳисоб юритишнинг янги формасининг асосий афзалликлари нимада?

— Объектларда қурилишнинг чўзилиб кетаётганлигига айрим факторлар жиддий сабаб бўлмоқда. Масалан, қурилиш ташкилотлари буюртмачидан объект қурилиши учун қарз олаётиб, кўпинча ўзи вақтида кечикиб фойдаланишга топширишганда ҳеч қандай моддий жавобгарлик олмайдилар. Янги система бундай нуқсонни бартараф этади. Бунда пудратчилар маблағни буюртмачилардан эмас, балки қурилиш банкининг кредит ҳисобидан оладилар. Шунга кўра, у ёки бу объект белгиланган вақтида фойдаланишга топширилмаса, иш олиб борган буюртмачи ташкилотга белгиланган даражада санкциялар қўлланади. Тугалланмаган объект эса шу банк томонидан жарима процентлари акс этган ҳолдаги маблағ билан таъминланади.

Ҳисоб юритишнинг тугалланган объектлар бўйича формасига Уй-жой қурилиш трестидан кейин, 4,159 ва «Ташинжстрой» трестлари ўтказилади.

— Бош бошқармада ҳисоб юритишнинг янги формасига ташкилий асосда ўтиш бўйича қандай тадбирлар амалга оширляпти?

— Бош бошқармаси ва бошқа бошқармаларнинг иқтисод бўйича хизмати 1981 йил иқтисодий планини тузишда трестларнинг иш фаолиятига товар қурилиш маҳсулоти бўйича баҳо беришга алоҳида аҳамият бермоқда. Бунда бизнинг саноат корхоналаримиз ҳам четда қолмайди, Йигма темир-бетон, арматура буюмлари, бетон ва бошқа қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган заводлар учун ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми асосий норматив бўлиб ҳисобланади. Ҳозир барча маҳсулотларнинг баҳолари ҳам кўриб чиқиляпти. Бу янги прейскурантни жорий этиш имконини беради.

Шуни эътиборда тутиш керакки, янги формага ўтиш фақатгина бош пудратчининг ҳам, ёрдамчи пудратчининг ҳам, шунингдек буюртмачиларнинг ҳам тугалланган объектлар бўйича бир вақтда ҳисоб юритганларидагина самарали бўлади. Бизнинг асосий буюртмачимиз Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг капитал қурилиш Бош бошқармаси ҳисобланади. Бизнингча, капитал қурилиш Бош бошқармаси айниқса, уй-жой қурилиши бўйича ягона буюртмачи бўлишига эришиш керак. Ҳозир эса Бош бошқармамизнинг буюртмачилари 15 дан ортиқ бўлиб, улар турли министрлик ва ташкилотларга қарайди. Бу эса техника, моддий ва меҳнат ресурсларини бир текис тақсимлашга халақит беради.

— Ҳўжалик механизмини такомиллаштириш борасида ташриф, иш юритишнинг бригада пудрати каби муҳим формаси устида тўхталмасдан бўлмайди, албатта. Бош бошқарма коллективларида Злобин методининг жорий этилиши ҳақида нималарни айтишингиз мумкин?

— Ҳозир комплекс бригадаларнинг кўпчилиги ҳўжалик ҳисобида ишлашга ўтказилган. Уларнинг сони 406 та. Уч йил муқаддам эса 278 та эди. Шу давр мобайнида пудрат асосида ишлаётган коллективлардаги қурувчилар сони икки баробар ошиб, 7,8 минг кишини ташкил этяпти. Шартнома асосида пудрат бўйича бажарилаётган ишларнинг ҳажми ҳам икки баробардан зиёда ошди. Бу йил злобинчи бригадаларнинг қўли билан 127 миллион сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилади. Бу эса Бош бошқармамиз бажараётган иш ҳажмини 60 процентдан кўпроғи демакдир.

Келгуси беш йиллик мобайнида биз барча комплекс бригадаларни Злобин методида ишлашга ўтказиш, шу билан бирга улар Бош бошқарма бажараётган ишларнинг 70 процентига қадар қурилиш ишларини бажаришига эришишни кўзда тутяпмиз. Бунинг учун Бош бошқармамизда меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг бригада формасини янада тараққий эттириш бўйича тадбирлар комплекси ишлаб чиқилди ва ҳозир у амалга оширилмоқда. Хусусан бригадаларни йириклаштириш, ташкилотлар ўртасида муносабатларни янада яқинлаштириш, «Завод—транспорт — қурилиш» схемаси бўйича пудрат ишини жорий этиш кўзда тутилаяпти. Шу билан бирга, СССР Госплани, СССР Госстрой, СССР Молия министрлигига 1981 йилда томонларнинг шартнома мажбуриятларини бузишларига нисбатан санкциялар қўллаш тартибини ишлаб чиқиш топширилган.

— Леонид Ильич Брежнев КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленумида сўзлаган нутқида «Экономика самарадорлиги фан-техника тараққиётини жадаллаштириш билан чамбарчас боғланган» деган эди. Яқин йиллар ичида Бош бошқарма қурилиш ишлаб чиқаришида фан ва техниканинг қайси ютуқлари жорий этилади?

— Биз ўн биринчи беш йилликда меҳнат унумдорлигини 25 процентга оширишни назарда тутяпмиз. Бунинг учун биринчи навбатда қурилишдаги қўл меҳнатини максимал даражада механизациялаш лозим. Бош бошқарманинг барча бўлинмаларида энг яқин йиллар ичида кичик механизация участкалари ташкил этилади. Ҳозирги кунда бундай участкалар 6, 12, 159, Уй-жой қурилиш трестлари, Пардозлаш, 2-пардозлаш, «Висотстрой» трестлари ва 2-ўйсозлик комбинатида ҳамда бошқа ишлаб чиқариш бўлинмаларида тузилган. Бу участкалар турли нормадаги комплект асбоблар, майда механизация воситалари ва мосламаларини тайёрлайди. Масалан, Пардозлаш трестида ташкил этилган хўжалик ҳисобида ишловчи участка қоришмаларни тортувчи насослар, мармар плиталарни кесувчи станоклар, электр двигателларини ремонт қилиш мосламаларини тайёрлашни ўзлаштирди. Майда механизация воситаларини жорий этиш бўйича ишлаб чиқилаётган комплекс тадбирлар 1981—1985 йилларда барча турдаги қурилиш ишларида қўл меҳнати ҳажмини анча камайтириш имконини беради.

— Қудрат Абдуллаевич! Ўн биринчи беш йилликда Бош бошқарма системасида ташкилий жиҳатдан ўзгаришлар ҳам кўзда тутилаяпти?

— Ҳа, албатта. 1979 йилда масалан биз ишлаб чиқаришни бошқаришнинг прогрессив форма ва методларини жорий этишга киришдик. Ўтган йили «Промстройкомплект» ишлаб чиқариш бирлашмаси тузилган эди. Унинг составига 17 та корхона ва ташкилот кирган. Бу бирлашмани ташкил этиш Бош бошқармамизда бошқаришнинг икки звеноли системасига тўла ўтиш имконини беради. Бошқариш системасини такомиллаштириш схемасига кўра тез орада «Ташкрупнопанельстрой» қурилиш-монтаж бирлашмасини тузиш кўзда тутилаяпти. Унинг составига барча йирик панелли уйсозлик корхоналари ва Уй-жой қурилиш трести ўтказилади. Келгусида Бош бошқармамиз амалга ошираётган иш турларига кўра ихтисослашган трестларни йириклаштириш йўли билан бошқариш структурасини такомиллаштириб боради. Агар 1978 йилда бизда 62 бошқарма мавжуд бўлган бўлса, келгусида улар 18 тадан иборат бўлади. Бундай қайта ташкил этишлар туфайли келадиган иқтисодий самара 4,5 миллион сўмни ташкил этади.

«Уй-жой қурилиши ишлаб чиқариш вазифаларининг ҳал этилиши билан чамбарчас боғланиши лозим», деган эди Леонид Ильич Брежнев КПСС Марказий Комитетининг октябрь (1980 йил) Пленумида сўзлаган нутқида. Бу сўзлар ҳар бир қурилиш бўлинмасининг ишида асосий дастуриламал бўлиши керак.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Улуғ Октябрь шарафига

ПРАГА. Копршивница шаҳридаги «Татра» автомобиль заводининг меҳнаткашлари СССРга «Татра—148» маркали юк автомобилларининг сўнгги туркумини жўнатдилар. Бу машиналар Улуғ Октябрнинг 63 йиллиги шарафига ўтказилган оммавий шанбаликда ишлаб чиқарилган эди. Шундай қилиб, мамлакатимиз учун бир йил ичида ана шу модификациядаги салкам 1400 та юк автомобили етказиб берилди.

«Татра» заводининг коллективи Совет Иттифоқининг буюртмаларини муддатидан илгари бажармоқда. Масалан, СССРга турли типдаги 3 мингдан ортиқ автомобиль экспорт қилиш йиллик плани декабрь ойининг ўрталарида бажарилади.

Ҳозирнинг ўзидаёқ Совет Иттифоқининг турли районларида ўттиз мингта «Татра» машинаси ишлаб турибди. Мана шу кўп тонналы юк машинаси ғоят мураккаб иқлим шароитларида ўзининг аъло даражада эканлигини кўрсатди. Копршивница автомобиль заводининг ишчилари ўзлари ишлаб чиқарган машиналар билан ҳақли равишда фахрланса ва арзийди. Магадан яқинидаги Сусуман шаҳрида чехословакиялик ишчиларнинг меҳнатсеварлиги ва маҳорати шарафига «Татра» автомобилини супага ўрнатиб қўйдилар. Бу ғоят кам учрайдиган воқеа.

Куба Республикаси соцлагеристик мамлакатлар билан самарали ҳамкорлик туфайли миллий экономика, фан, маданият, маориф ва соғлиқни сақлаш, меҳнаткашлар моддий фаровонлигини ошириш соҳасида катта муваффақиятларга эришди.

СУРАТДА: Ёшлар оролидаги (собиқ Пинос оролида)ги Т. Бунке номли лаборатория ходимлари.

Н. Чигирь фотоси.

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИДА

БЕРЛИН. Германия Демократик Республикасидаги етакчи корхоналардан бири — «Буна» (Галле округи) химия комбинатининг ходимлари пландан ташқари ишлаб чиқарган саноат маҳсулотининг ҳажми 34 миллион маркани ташкил этди. Коллектив жонажон корхона ташкил этилган кунининг ўн йиллик юбилейини ана шундай ишлаб чиқариш муваффақиятлари билан нишонламоқда.

Ҳозирги вақтда «Буна» комбинатининг республика учун аҳамияти ғоят катта. Корхона ГДР химия саноати корхоналари ишлаб чиқараётган барча маҳсулотнинг 10 процентини бермоқда. У турли пластмассалар ва эластик материаллар етказиб берувчи мамлакатда энг катта химия комбинатидир. Бу ерда ана шу буюмларга талаб ошиб бораётганини ҳисобга олиб, корхонанинг кўпгина участкалари янгиланмоқда ва қувватлари оширилмоқда.

ҚУВОНЧЛИ ХАБАРЛАР

ГАВАНА. Мамлакатда Куба Компартиясининг шу йил декабрь ойида бўладиган II съезди шарафига социалистик мусобақа кенг авж олдириб юборилди. Республика радиоси ва телевидениеси эшиттиришларида, газеталарнинг саҳифаларида «Вилья-Клара вилоятидаги балиқ-консерва комбинатининг коллективи шу йил планини 12 процент ошириб бажарди», «Гавана вилоятидаги тўқимачилик фабрикасининг ишчилари маҳсулот ишлаб чиқариш планини икки ой илгари бажарди», «Камагуэй вилояти қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари шу йил план-топшириқларини анча ошириб адо этмоқдалар» деган хабарларни тез-тез учратиш мумкин.

ЙИРИК ХЎЖАЛИК

УЛАН-БАТОР. Халқ Монголиясида Совет Иттифоқининг ёрдами билан барпо этилган «Улан-Болгой» ихтисослаштирилган сутсабзавотчилик хўжалиги фойдаланишга топширилди.

Йирик қишлоқ хўжалик объекти бўлган янги комплекс тўла механизациялаштирилган ва замонавий қишлоқ хўжалик техникаси билан жиҳозланган. Хўжалик йилига салкам 4000 тонна сут, 2,5 минг тоннадан ортиқ картошка ва 1800 тонна сабзавот етиштиради.

ЭФИОПИЯ ҚИШЛОҒИ ЯНГИЛИКЛАРИ

АДДИС-АБЕБА. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтириш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш — Эфиопияни иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан биридир. Революцион ҳукумат шу мақсадда ердан фойдаланишнинг янги методларини кенг қўлланиш, кооперативлар ва давлат фермаларини барпо этиш негизида Эфиопия қишлоғининг бутун укладини тубдан қайта қуриш комплекс программасини муваффақиятли равишда амалга оширмоқда. Эфиопия Муваққат ҳарбий маъмурий кенгаши (МҲМК)нинг 1975 йил март ойидаги ер ислоҳоти тўғрисидаги декрети билан бу жараёнга асос солинган эди. Ана шу декрет Эфиопия революциясини мустаҳкамлашда ҳал қилувчи роль ўйнабгина қолмай, шу билан бирга миллионлаб миллион деҳқонлар оммасини ижодий активликка уйғотди, уларни янги ҳокимиятнинг ишончли иттифоқчисига айлантирди. Ўтмишда қолоқ саводсиз деҳқонлар эндиликда қудратли уюшган куч бўлиб қолди. Деҳқонлар ишчилар синфи билан биргаликда мамлакатда социалистик жамият асосларини қуриш учун курашнинг олдинги сафларида бормоқдалар.

Кооператив ҳаракати кенг қулоч ёзди. Деҳқонлар давлатнинг молиявий ва моддий ёрдами асосида ихтиёрий равишда бирлашмоқдалар. Ҳозирдаёқ уч мингга яқин янги хўжалик бор, уларнинг сони узлуксиз кўпайиб бормоқда. Бу хўжаликларда ўзларининг рентабель хўжалик эканлигини амалда исбот қилибгина қолмай, шу билан бирга Эфиопия қишлоқларини бундан буён ҳам кооперативлашга ёрдам бермоқда.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш планларида давлат фермалари муҳим ўрин эгаллямоқда. Бу фермалар хом ашё ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш юзасидан йирик агросаноат комплексларини барпо этиш учун негиз бўлади. Бу агросаноат комплекслари қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган ички эҳтиёжларни қондирибгина қолмай, шу билан бирга, уларни экспорт қилиши ҳам лозим.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ш н н.г. узоқ муддатли программаси социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг тажрибасини ҳисобга олган ҳолда планли, илмий асосда амалга оширилмоқда. Эфиопияда ишлаётган совет мутахассислари ана шу программани рўёбга чиқаришда катта ёрдам бермоқдалар. Ана шу самарали ҳамкорлик — ҳар икки мамлакат халқларини бир-бирлари билан боғлаб турган кўп қиррали муносабатларни кўрсатувчи яна бир далил, СССР билан социалистик Эфиопия ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома қоидаларининг конкрет амалга оширилишидир.

Ю. ПИЧУГИН.

КОММУНИСТ МЭР ҚИЛИБ САЙЛАНДИ

РИМ. Италия Коммунистик партиясининг аъзоси Альдо Жакке сурункасига иккинчи марта Лигурия соҳилидаги катта вилоят маркази — Специя шаҳрининг ҳокими қилиб сайланди.

У сўл муниципал жунтага бошчилик қилди. Унга Коммунистик партия ва социалистик партия вакиллари кирди.

СУД МАЪМУРЛАРИГА МУРОЖААТ

БУЭНОС - АЙРЕС. Парагвай Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Антонио Майдананинг рафиқаси — Хуана Дора Молас де Майдана Аргентина суд маъмурларига мурожаат қилиб, ўз эри билан Парагвай меҳнаткашларининг раҳбарларидан бири Эмилио Роанинг тақдирини аниқлашни тезлаштиришга даъват этди. Шу йил 27 август куни Буэнос-Айресда ўғирлаб кетилган Антонио Майдана билан Эмилио Роа қаерда эканлигини аниқлашга ҳозиргача ҳам муваффақ бўлинмади. Ваҳоланки Майдананинг рафиқаси БМТнинг Жанубий Америкадаги қочоқлар ишлари билан шуғулланувчи олий комиссари ваколатхонасига, халқаро қизил крестга, Парагвайнинг бир қанча расмий муассасаларига, Парагвай парламент аъзоларига, черков ишлари комитетига ёрдам беришларини сўраб мурожаат қилган эди.

Х. Д. Молас де Майдана Аргентина президенти Хорхе Виделага ҳам худди шундай илтимос билан мурожаат этган эди. У Аргентина давлатининг бошлиғига йўллаган мактубида А. Майдана билан Э. Роанинг тақдири тўғрисида маълумотлар олиш учун барча зарур чоралар кўришини илтимос қилади.

Аввал хабар қилинганидек, Америкининг Ассошиэйтед Пресс информация агентлиги ғўё А. Майдана билан Э. Роа ўлдирилган, деган хабарни миш-мишларга асосланиб илгари тарқатган эди. Аргентина жамоатчилиги уни масъулиятсизлик билан тарқатилган хабар, деб баҳолади.

АЯНЧЛИ ИСТИҚБОЛ

БОННН. Келгуси йилда Германия Федератив Республикасида ишсизлар сони янада кўпаяди. Экономика соҳасидаги бир қанча етакчи илмий-тадқиқот институтларининг бу ерда эълон қилган докладида айтилишича, 1981 йилда рўйхатга олинган ишсизларнинг умумий сони бу йилгига нисбатан 900 минг кишидан 1.100 минг кишига кўпаяди.

Шундай қилиб, ишсизларнинг умумий сони ГФРдаги жами ҳунарманд аҳолининг сал кам 5 процентини ташкил этади.

Ушбу улкан намойиш (суратда) Токиода бўлиб ўтди. Намойишда қатнашиш учун мамлакатнинг турли бурчакларидан 10 мингдан кўп японияликлар ташриф буюришди. Улар маъмурлардан социал эҳтиёжлар учун ажратиладиган маблағларни ямлаб ютаётган харбий харажатларни камайтиришни, уларга пенсия ажратилишини, саломатликни тиклаш имконини беришни талаб қилдилар.

Жапан—Пресс—ТАСС фотоси.

Бугун Тошкент тўқимачилик комбинатида

КАСБГА ИХЛОС ҚЎЙИБ

Сменадан кейин Марина Лавлинская бригадаси ишчиларидан қолишни илтимос қилди.

— Калавалаш участкасида ишни қандай яхшилашни муҳокама қиламиз, — деди у.

КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленумида енгил саноат корхоналари шаънига жиддий танқидлар айтилди: ғоҳ у, ғоҳ бу кенг истеъмол буюмини етказиб беришда узилишлар юз беряпти. Бу бизнинг ишлаб чиқаришимизга ҳам даҳлдор. Магазинларда зарур бўлган номердаги ва рангдаги ипни ҳамиша ҳам топиб бўлмайди. Ахир, комбинатимизнинг ип фабрикаси фақат Ўрта Осиёнигина эмас, мамлакатнинг бошқа районларини ҳам ўз маҳсулоти билан таъминлаши лозим.

Бир қарашда ўровчиларни танқид қилишнинг ўрни йўқдек эди: смена плани мунтазам тўла ва ошириб бажарилади. Фақат Лавлинская бригадаси сменада 36 минг галтак ип чиқаради. Лекин бу кам. Бу демак, ҳар бир ишчи, биринчи навбатда коммунистлар меҳнат унумдорлигини ўстириш, маҳсулот сифатини юксалтиришнинг қўшимча резервларини топишлари лозим.

Бунга қандай эришса бўлади? Бундай саволни смена партия ташкилотчиси М. Лавлинская бир неча марта ўзига бериб кўрди. Баъзи бир режалари бор. Ўровчилар бригадири сифатида у бу режаларни ўз комсомол-ёшлар коллективида амалга ошириб кўришга қарор қилди.

В. Маринина бригадасида қариб ҳамма ишчилар ёшлардан иборат, барчаси унинг шогирдлари. Фақат кейинги бир ой мобайнида у ўровчилик касбига ўн кишини ўргатди. Цехга комсомол йўлланмаси билан ишчилар келишди. Дастлаб ўраш автоматларида йигитларнинг ишлаши ғалати туюлди. Эндиликда эса бу одатдаги воқеа бўлиб қолди. Улар касбни жуда тез ўрганишди ва мустақил ишлашга ўтишди.

Бу ёқимтой, ширинсўз қиз коллективда ҳурмат ва эътибор қозонди. Смена мастери Анна Алексеевна Споткай уни 17 яшар қизлигидан билади. Марина бундан саккиз йил муқаддам фабрика остонасига қадам қўйганда, инструктор бўлиб ишлаётган Анна Алексеевна унга ўровчилик касбини ўргата бошлади. Марина учун Зокир Мирҳайдаров ҳам яхши мураббий бўлди. У киши фабрикадаги энг яхши мастер ёрдамчиларидан эди. Шулар туфайли қиз ўз касбини севиб қолди.

— Вақт ғизиллаб ўтаяпти. М. Лавлинская комбинатга ишга келган тўрт йилдан сўнг партия аъзоси бўлди. Бу унинг зиммасига катта масъулият юклади, ўзига ва ҳамкасб дугоналарига нисбатан талабчан бўлди. Коммунистлар Лавлинскаянинг принципиаллиги ва виждонлилигини кўриб, партия ташкилоти секретари қилиб тайинлашди. Цех бошлиғи А. П. Нарежная, мастер ёрдамчиси Ю. Кучеров, Р. Абдуллаев ва бошқа цех партия ташкилотининг ўзагини ташкил этган коммунистлар дастлабки дамларда Маринага ёрдам беришди. Улар унга ҳозир ҳам долзарб масалаларни кун тартибига қўйишда ва уни дарҳол ҳал этишда ёрдам беришади.

КПСС Марказий Комитети октябрь Пленуми олдинга сурган бош вазифа — кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш масаласини муҳокама қилган М. Лавлинская бригадаси прогулларни, сменага кечикиб келишларни тугатишга қарор қилди. Бу меҳнат унумдорлигини ўстириш, қолоқларсиз ишлаш имконини беради.

А. ГЕХТЛЯР.

∴∴∴

СУРАТДА: М. Лавлинская.

ЭНГ ТАЖРИБАЛИ

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, Сервер Канеев 2-йигирув фабрикасидаги тараш ускуналарини ремонт қиладиган ва созлайдиган мутахассислар орасида энг тажрибалиси.

У ишлаб чиқаришга 34 йил аввал келганди. Бу вақт мобайнида тараш машиналари бир неча марта янги, такомиллашганлари билан алмаштирилди. Уларнинг ҳаммасини монтаж қилишда ва созлашда тажрибали мутахассис иштирок этди.

1977 йилда цехга «ЧМД-4» маркали ўнта янги машина, яна икки йилдан кейин яна етти шундай машина келтирилди. Ҳар иккисига ҳам уларни Канеев созлади. Йигирув цехида «БД-200» маркали йигирув машинаси монтаж қилинмасдан илгари шошмаса бўларди. Ўтган йили эса ҳар кунинг аҳамияти ортиб кетди. Сервер Канеев шунда цехда кун-у-тун ишлади.

Албатта, алмаштириш мумкин бўлмаган одам йўқ. Серверсиз ҳам машиналар туриб қолмайди. Чунки С. Канеев ўз касбига кўпдан кишиларни ўргатган. Лекин ҳар ҳолда усиз, энг тажрибали ветерансиз қийин бўлади: ҳеч ким ускуналар билан у даражада «тиллашолмайди». Айниқса, «ЧМД-4» маркали тараш машинасини яхши биларди.

Сервер шошмай ҳаракат қилади, камсўз, хотиржам. Сиртдан қараганда, уни ишни нимадан бошлашни билмай иккиланаяпти, дейиш мумкин. Аслида у ишга ҳамма нарсани ҳисоб-китоб қилиб, чамалаб, тақ-қослаб киришади. «Машинани ишга туширишмиз, — дейди С. Канеев, — етарли эмас. Шундай қилиш керакки, келаси кунда яна оворагарчилик бўлмасин».

Ускунани қайта созлаш — цех учун иш вақтининг йўқолиши демакдир. Сервер Канеев минутларни тежайди, ўнлаб кишиларнинг унумли меҳнат қилиши учун шароит яратади.

Айтишларича, ҳатто ўттиз йилларда бу ерда ишлаётганлар ҳам у билан маслаҳатлашишар экан. Албатта, илтимослар ерда қолмайди. Сервер Канеев жуда кўп кишиларга устозлик қилган. У бу соҳада ҳам ўзини аҳли, ишбилармон киши эканлигини кўрсатган. Агар у ёш ишчи касбига қизиққанлигини, чиниқиш ишлаш истаги билан юрганлигини билса, унга албатта ёрдам беради. Агар ёш ишчи шунчаки вақтни ўтказиш учун ишлаётган бўлса, у Сервердан наф кўрмайди.

Эҳтимол, айнан шундай муносабат туфайли кўпгина шогирдлари у сингари ўз касбининг усталари бўлишяпти. Иван Гуреев, Саттор Дониёровнинг мустақил ишлаётганига эндигина бир ярим йил бўлди. Лекин улар тажрибали мутахассисларнинг ҳеч биридан қолишмайди.

Ҳозир Сервер Мурод Раҳмоновга устозлик қиляпти. Бу йигитчадан қандай мутахассис чиқишини ҳозирча башорат қилиш қийин. Унинг цехда меҳнат қилаётганига 3—4 ҳафта бўлди. Агар ҳалол, виждонан меҳнат қилса — яхшилар қаторидан ўрин олади.

Сервер Канеев — тараш машиналарини созловчилар бригадаси бошлиғи ана шундай меҳнат қиляпти. Бу йил цех яна ўнта янги машина олади.

— Бу машиналарни ҳам Сервер Канеев монтаж қилади, — дейди цех бошлиғи вазифасини бажарувчи Йўлдош Полвонов. — Бу ишни ҳеч ким у сингари бажаролмайди.

В. РЯБОВ.

ФАН ОЛАМИДА НИМА ГАП?

НЕФТНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ФАВВОРАЛАРИ

Заҳматкаш геолог олимларимиз Она-Ер бағрига ақл-заковат билан разм ташлаб, уларнинг бойликларини одамларга ҳадя этмоқдалар. Чуқур палеозой қатламларининг нефтга истиқболли томонларини ўрганиш яхши самаралар бермоқда. Шу муносабат билан геология-минералогия фанлари кандидати Раҳмон ХАИМОВ Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, СССР Давлат мукофотининг лауреати Обид Муродович АКРОМХЎЖАЕВ билан суҳбат ўтказди.

—Обид Муродович, маълумки Ўзбекистон, ҳатто бутун Ўрта Осиё тоғларида қадимий палеозой қатламлари кенг тарқалган. Шулар ҳақида нима дейсиз? Бу қатламларнинг нефть ва газ фойдали қазилмаларига нисбатан истиқболи қандай?

— Дарҳақиқат, баланд тоғлар шу қатламлардан ташкил топган, улар билан жуда кўп металл ва металл бўлмаган фойдали қазилмалар боғлиқ. Масалан, мис, қўрғошин, кумуш, вольфрам, молибден, руҳ, бошқа нодир ва сийрак учрайдиган маъданларнинг конлари шу қатламлар билан боғлиқдир. Бундан ташқари, битмастуғанмас бу тош қатламларининг ўзи ҳам гоятда зарур қазилмалардир. Турли рангларда товланувчи оҳактош ва мармартошлар, улар орасида қотган гўзал ва мустаҳкам гранит тошлари шулар жумласига киради. Бу тошлар маълумки гўзал биноларимизда, ҳашаматли иншоотларда қурилиш материали сифатида кундан-кунга қўлланилмоқда.

Энди нефть ва газга нисбатан бу қатламларнинг истиқболи масаласига келсак, бу муаммоҳ қўндан бери геологлар ўртасида катта мунозараларга сабаб бўлмоқда. Гап шундаки, қадимги палеозой қатламлари ҳосил бўлган даврларда ҳам денгиз ва қуруқликларда органик дунё —ҳайвон ва ўсимликларни ғоятда зўр тараққий этган даврлари бўлиб ўтган. Уларнинг қатламларидаги қолдиқлари биохимик жараёнларда ва ер остида ҳосил бўладиган ҳарорат ҳамда юқори босим таъсирида чуқур ўзгариши натижасида нефть ва газ, карбонхидрогенлар ҳосил бўлган, улар бу қатламларда «туғилиб», ажралиб чиқиб бўшлиқ ва ёриқларга бой ғовак оҳактош қатламларидаги қулай букилмаларда нефть ва газ конларини ҳосил қилганликлари ҳақида ҳеч кимда шубҳа йўқ, албатта. Аммо шу даврда содир бўлган тоғ ҳосил қилиш жараёни таъсирида бу қатламлар бурмаланиб, баланд тоғлар ва чуқур ҳавзалар ҳосил қилган ва кўп вақтлар давомида ювилиб, емирилган ва уларда ҳосил бўлган нефть ва газ конлари ҳам, айниқса тоғлиқ районларда емирилиб, йўқолиб кетган. Шунинг учун тоғлиқ районларда палеозой, ётқизиқлари орасидан нефть ва газ конларини ахтариш беҳуда вақт ўтказиш ва фойдасиз сармоя сарфлаш билан баробар. Бироқ, чуқур ҳавзалар тагида ётган бу қатламларнинг бир қисмида, агар улар мураккаб ўзгаришларга — метаморфизмга учрамаган бўлсалар, нефть ва газ уймлари шу вақтгача сақланиб, ер остида «дамланиб» ётган бўлишлари мумкин. Назарий жиҳатдан бу фикр биз томонимиздан ва бир қанча геолог-олимлар томонидан маълум даражада исбот этилган эди. Сизнинг ўзингиз эса, Ўрта Осиё тоғ ёнбағирларида палеозой қатламларидан сизиб чиққан нефть белгиларини Фарғонадаги Аравонсой бўйидан,... Мадиген районида, Қораунгур, Шодамир тоғларидан ва бир қанча жойларда белгиланганлигини кўрсатиб, бу фикрни тасдиқладингиз.

—Шундай экан, палеозой ётқизиқларида нефть ва газ конларни топишда қандай тадбирлар қўллаш керак?

—Тадбирлар деганда, энг аввало юқорида кўрсатганимиз палеозой қатламларида нефть ва газ ҳосил бўлиши, уларнинг шу кунгача сақланиши ҳақида маълумотларга таянишимиз зарур. Яъни, биринчи тадбир—бу, чуқур ҳавзаларнинг тагида ётган, устидан қалин қатламлар билан қопланган ва кўп ўзгармаган палеозой ётқизиқлари бор районларни ахтариш тадбиридир. Сизга маълумки, бу йўл билан олиб борилган ишлар шуни кўрсатадики, нефть ва газ бўлиши мумкин бўлган палеозой ётқизиқлари мезозой ва кайнозой деб аталадиган қалин қатламларнинг тагида —Фарғона водийсида, Ғарбий Ўзбекистонда, Ҳисор тоғларининг этагида бепоён— Уст-юрт даштида бор экан. Бироқ, бунинг учун шу районларда катта сармоя сарфлаш талаб қилинади. Лекин нефть ва газ конларини қидириш ишларини бошлашга булар етарли асос бўлолмайди. Чунки палеозой ётқизиқлари бу районларда 4—5 километр, кўпинча 7—8 километр, ҳатто 10 — 12 километр чуқурликларда жойлашган.

— Сизнинг фикрингизча, қайси районлар палеозой нефти ва гази учун, уларнинг чуқурда ётиши нуқтан назаридан аҳамиятли? Бу соҳада нима ишлар қилинмоқда?

—Нефть ва газни палеозой қатламлари чуқур ўзгаришга дуч келмаган ва шу сабабли нефть ва газ уюмлари сақланиши мумкин бўлган бир қанча районлардан ахтариш зарур. Улар ичида энг истиқболлиси Орол ва Каспий денгизлари орасида жойлашган бепоён Уст-юрт чўлидир.

— Шу районларда қилинган ишлар ва бу ишларнинг баъзи натижалари ҳақида икки оғиз гапириб бер-сангиз.

—«Уст-юрт бағрида, палеозой ётқизиқларида нефть ва газ конлари бўлиши керак» деган илмий ва назарий фикр палеозой қатламлари ҳосил бўлаётган даврда нефть ва газ ҳосил бўлиши учун қулай шарт-шароитлар мавжуд бўлганлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Бу назарий фикр Ўрта Осиёда, жумладан Уст-юртда ҳозирги даври ётқизиқларидаги нефть ва газ конларини чуқур ўрганиш жараёнида тобланди ва тасдиқланди.

Масала шундаки, биз нозик асбоб-ускуналар қўллаб ва чуқур тадқиқот ишларимиз туфайли Ўрта юра ва пастки юра қатламларининг нефть ва газга бўлган генетик имкониятларини кўриб чиқдик, Ўрта юра қатламларида нефть ва асосан газнинг она қатламларини топдик, улардан «туғилган» нефть ва газ карбонхидрогенларни сон ва сифат жиҳатидан текшириб кўрдик, натижада бу қатламларда мезапой қатламларига генетик боғлиқ нефть ва асосан газ конлари бўлиши мумкин деган хулосага келдик. Бу назарий хулоса жанубий Уст-юртда—Шохпатхи деб аталадиган газ конининг очилиши билан тасдиқланди. Пастки юра қатламларига келсак, унинг нефть ва газ карбонхидрогенларини бера олиш қобилияти паст эканлиги белгиланди.

Шундай қилиб, нефть ва газ учун Ўрта Осиёда, жумладан Ўзбекистонда биринчи бўлиб палеозой ва пастки юра қатламларида принципиал янги нефть, газ ва газконденсат конлари очилиши арафаси бошланди. Уст-юрт устида ётган даҳшатли Борсакелмас шури яқинида қазилган чуқур парма қаватдан, пастки юра қатламларидан нефть фонтани отилиб чиқди. Биз энди «Уст-юртда биринчи нефть кони очилди!» деб айта оламиз. Бу нефть, бизнинг фикримизча пастки палеозой қатламларидан чиқиб, юра қатламларида иккиламчи кон ҳосил қилган. Демак, ҳали палеозой қатламлари ва ундаги нефть конлари ўз очувчиларини кутмоқда.

—Обид Муродович, палеозой нефтини очишга қандай режалар бор?

— Палеозо й д а н нефть ва газ карбонхидрогенларнинг «нафаси сезилари чиқиб тургани билан, ҳали бу кон очилди деган сўз эмас. Бунинг учун ҳали чуқур тадқиқот ишлари қилинмоги керак. Масала шундаки, Қора-Қудуқ да бевосита палеозойдан отилиб чиққан нефть тошкўмир даврида денгиз ҳавзасида ҳосил бўлган оҳак тошлар билан боғлиқ экан. Аммо бу қатламнинг тарқалиш қонуниятларини, уларда қаерда нефть ва газ тўпланиши учун қулай тутқичлар борлигини, улардаги нефть ва газнинг сон ва сифат жиҳатларини яхши билмаймиз, аммо «кон борлигига» ишонч ҳосил қилдик, десак янглишмаймиз. Шунинг учун илмий тадқиқот ишларини кучайтириш, ер устида тутиб, ер ости тузилишини кўрсатиб берадиган геофизик методларни қўллаш, палеозой ётқизиқларига етиб бориб, уларнинг турли хил параметрларини, таркибий тузилиши, қурилиши, геологик ҳолати, чуқурлиги, қатламнинг турлари ва қалинликларини белгилайдиган 4—5 километр чуқурликларга параметрик парма каваклар қазиш ишларини жадаллаштириш ҳозирги кунда энг зарур тадбирлардандир. Бу соҳада Ўзбекистон ССР Геология министрлиги, унинг нефть ва газ геологияси соҳасидаги илмий тадқиқот институти ҳамда «Ўзбекнефть ва газ геологияси» бошқармаси зарур тадбирларни ишлаб чиқди.

Ишонамизки, яқин йиллар ичида Уст-юрт, айниқса унинг шимолий қисми республикамизнинг яна бир нефть, газ ва газконденсат базасига айланажак. Бунда палеозой ва пастки юра нефти алоҳида ўрин тутади.

Суҳбатни
Р. ХАИМОВ
олиб борди.

Ўзбекистон бадиий фондининг Тошкент амалий санъат тажриба-бадиий комбинатида сополдан турли-туман буюмлар тайёрланади. Ранг-баранг расмлар чизилган лаганлар, ликопчалар, шёлалар ва бошқа идишлар шулар жумласидандир. Ушбу идишларни чет эллик туристлар, ҳамшаҳарларимиз севиб харид қилишади.

СУРАТДА: комбинат рассоми Умар Ҳожиакбаров сопол буюмларга гул туширмоқда.

И. Глауберзон фотоси.

МУСТАҚИЛ БИЛИМ ОЛИШ

И. Печерникова

ҚАЛБ САХОВАТИ

Инсон ўз хотирасини янги билимлар билан доимо бойитиб бормаса, ҳеч қачон ўз ақлини ривожлантира олмайди. Мустақил билим олиш—ўз-ўзини тарбиялашнинг асосий элементидир, чунки билим оша борган сари шахснинг маънавий қарор топиши ва такомиллашуви рўй беради.

Билимларга доимий чанқоқлик — Ульяновларнинг барчаси учун характерли хусусиятдир. Катта болалар ҳам, кичиклари ҳам бир китоб кетидан иккинчисини ўқиб чиқишар, дарсларни қунт билан тайёрлашар, ҳар хил коллекцияларни йиғишар, табиат ҳодисаларини кузатишар, химия, физика, табиатшунослик бўйича тажрибалар ўтказишар, луғат ва энциклопедияларга тез-тез мурожаат қилиб туришар эди. Уларда эслаб қолиш, диққат-эътиборни бир жойга тўплаш, қунт билан ишлаш, тобора кўпроқ ва берилиб шуғулланиш кўникмалари ҳосил бўлган эди. Билимларга бундай чанқоқлик ўз-ўзидан вужудга келгани йўқ, албатта. Бу интилишни ота-она сингдирган эди.

Мария Александровна билан Илья Николаевич болаларни аввало ўқишга қизиқтиришга интилишди. Кичик болалар ўйин жараёнида ўқишни ўрганардилар. Масалан, Мария Александровна шундай қондани жорий этган эди: муайян кунларда болалар оналари билан фақат немисча ёки французча гаплашардилар.

Тўғри, болаларга бутун кун бўйи чет тилида гаплашиш осон бўлмасди. Баъзан улар керакли сўзни ёки жумлани тополмасдилар. Айрим ҳолларда Мария Александровна уларга кўмаклашар ва бирор сўзни айтиб берарди. Лекин кўпинча у болаларга қийин аҳволдан ўзлари чиқишларини ва луғатга мурожаат қилишни тавсия этарди.

Болаликда сингдирилган луғатдан фойдаланиш одати Ульяновларга кейинчалик янги аҳамиятли тилларни мустақил ўрганишда ёрдам берди.

Чет тилларни эгаллашда педагогик иш ҳам ёрдам берарди. Мария Александровна кўпинча катта болаларидан кичикларига тил ўргатишни илтимос қиларди. Оля Митяга инглиз тилини эгаллашда кўмаклашди. Володя Маняшага француз тилини қунт билан ўргатган эди. Бунда у ҳатто ўз «методикасини ўйлаб топган бўлиб, қизни янги сўзларни ёзиб олишга мажбур этмай, уларни оғзаки нутқдаги турли гапларга киритар ва шу билан сўзларнинг идрок этилган ҳолда ёдлаб олинишига эришарди.

Мустақил билим олиш ва чет тилини ўрганишда мустақилликни ривожлантиришнинг энг яхши усули—таржима ишидир. Мария Александровнанинг ўзи бу жиҳатдан ўз болаларига ўрнак кўрсатарди. У асосан француз тилидан бадиий таржима билан астойдил шуғулланарди. Мария Александровнанинг айрим таржималари ҳатто «Русское богатство» журналида босилиб чиққан.

Володя гимназияда ўқиб юрган пайтидаёқ ўз синфдоши Кузнецов билан биргаликда Карл Маркснинг «Капитал» асарини немисчадан рус тилига таржима қилишга уриниб кўрган эди.

Анна Ильинична Э. Амикиснинг «Мактабдош ўртоқлар» китобини итальян тилидан русчага таржима қилди ва у Россияда алоҳида нашр бўлиб чиқди ва бир неча бор қайта нашр этилди.

Сила швед ёзувчиси Сигурнинг «Кечиқдинг» ва «Қайнона» ҳикояларини таржима қилган.

Чет тиллари билан астойдил мустақил ишлаш болаларда ирода фазилатларини тарбиялади, бу нарса уларга бошқа фанлар соҳасида ҳам мустақил билим олиш билан муваффақиятли шуғулланишда ёрдам берди.

Билимларга ғоят қизиқиш доимо мустақил билим олишнинг муҳим шартидир. Ота билан она болаларда ана шу қизиқишни ва яхши ўқишга интилишни ривожлантиришга бутун чоралар билан ҳаракат қилдилар.

Халқ мактабларидан бирининг собиқ ўқувчиси Степан Алексеевич Клюжев «Ульяновская правда» газетаси саҳифаларида ҳикоя қилишича, мактабни битириш тантанали кунида уларнинг мактабига Илья Николаевич Ульянов ўша вақтда гимназиянинг тўртинчи синфида ўқийдиган ўғли Володя билан бирга келган. Илья Николаевич Степан Клюжевга муваффақиятлари ва тиришқоқлиги учун мақтов қоғозини ўз қўли билан топширган. Бу ёрлиқда қуйидагилар ёзилган эди:

«Симбирскдаги 3-эркаклар халқ мактаби ўқувчи Клюжев Степаннинг аъло муваффақиятлари, тиришқоқлиги ва яхши хулкини эътиборга олиб уни тантанали вазиятда ушбу мукофот билан тақдирлайди. Симбирск, 1883 йил, 6 июнь.

Симбирск губернияси халқ мактабларининг директори, ҳақиқий статский советник, кавалер И. Ульянов».

Илья Николаевич Володяни ўзи билан бекорга олиб бормаган эди. У мактабни битириш маросими қандай тантанали вазиятда ўтишини, мукофотлар берилганида ўқитувчилар ва болаларнинг ўзлари қандай қувонишларини ўғли ўз кўзи билан кўришини истаган эди.

Владимир Ильич жуда яхши ўқирди, у ўқиш соҳасида ажойиб қобилиятларга эга эканлигини кўрсатди. Аммо Илья Николаевич бу билангина хотиржам бўлиб қолмади. Аксинча, у ўртанча ўғли ҳамма нарсани ғоят осонлик билан ўзлаштириб олаётганлигидан бир неча бор ҳавотир бўлган эди. Унда қатъият, сабр-тоқат, тиришқоқликнинг ривожланишига путур етишидан чўчирди. Бусиз кейинчалик чуқурроқ билимларни эгаллаш мумкин бўлмасди. Оғир шароитларда яшашларига ва ўқишларига қарамай Степан Клюжев ва бошқа болалар қандай муваффақиятларга эришганликларини кўрсин деб Николай Ильич Володяни халқ мактабидаги тантанали йиғилишга олиб борган эди. Уларни ҳеч ким мактабга тайёрламас, синфлар тиқилинч эди, уй вазияти ҳам шуғулланиш учун уйча қулай бўлмасди. Болаларга фавқулодда матонат ва меҳнат ёрдам берарди.

Ота барча фарзандларида ўқиш учун масъулият туйғусини тарбиялаш ҳақида доимо ғамхўрлик қиларди. Анна Ильинична отаси тўғрисида бундай деб ёзган эди:

«Ўз бурчини қатъий бажариши ва уддабурронлиги билан ажралиб турувчи отамиз бу фазилатларни болаларга ҳам сингдиришни муҳим деб ҳисобларди. У икки катта ўғлининг қандай ўқиётганлигини кузатиб тураркан, гимназияга киришдан илгари ҳам, қуйи синфларда ўқиётганларида ҳам уларни дарсларни жуда пухта бажаришга ўргатарди».

Илья Николаевич болаларнинг ўзига хос ҳисобот бериб туришини жорий этган эди. Анна Ильинична хотираларида ёзишича, «Володя гимназиядан қайтгач, дарсларда нима бўлганини ва у қандай жавоб қайтарганини отасига гапириб берарди. Одатда хар куни бир хил гап такрорланиши — пухта жавоб қайтарганини, яхши баҳо олганини айтиши сабабли Володя баъзан юқоридаги ўз хонасига отасининг кабинети эшиги ёнидан ўтиб кетаётганида: «Грек тилидан беш, немис тилидан беш», деб ахборот бериб кўя қолар эди.

Қуйидаги манзара кўз ўнгимдан кетмайди: мен отамнинг кабинетида ўтирибман. Отам билан онам гимназия шинелини кийган, сариғ сочлари фуражка остидан чиқиб турган кенг яғринли ўғилларини эшик ёнидан чаққонлик билан ўтиб кетганини кўриб, мамнуният билан бир-бирларига илжайиб қўйишади. Предметлар ўзгариб турарди, албатта: баъзан у «лотин тилида беш, алгебрадан беш» дерди, аммо бир нарса ўзгармасди: у одатда доимо 5 баҳо олиб қайтарди».

Бундай ахборот бериб туриш мажбурий бўлса керак. Бу эса ота-она болаларнинг муваффақиятларини ғоят эътибор билан кузатиб борганларини кўрсатади. Шу нарса ҳам эътиборга сазоворки, ота билан она Володядан: «Ишлар қалай?», «Доскага чиқдингми?», «Қандай баҳо олдинг?» деб ҳадеб сўрайверишмас, балки унинг ўзи муваффақиятлари ҳақида маълумот бериб туришини талаб қиларди. Бу эса болаларни ўз-ўзини контроль қилиб туришга ўргатарди. Анна Ильиничнанинг ҳикоя қилишича, Володя ҳамиша барча фанлар бўйича берилган топшириқдан ортиқча дарс тайёрлар, китоблар ўқир, ўқилган китоб баёнини ёзар, ҳикоя қилиб берар, ортиқча масалаларни ечарди. У отасини ниҳоятда севар ва ҳурмат қиларди, шу сабабли Илья Николаевич бўш вақтларида унинг ўқишлари қандай бораётгани билан қизиқишини, у нима иш қилгани ва қандай бажаргани ҳақида гапириб беришини сўрашини билиб, ҳамма ишларни кўпроқ ва яхшироқ қилишга интиларди.

Отанинг уйда кўргазмали қуроллар бўлиши ҳақида ғамхўрлик қилиши болаларнинг дарсларни яхши ўзлаштиришига ғоят катта ёрдам берарди. Кўпгина хонадонлардаги литографиялар ва тоқчаларга тахлаб қўйилган безаклар ўрнига Ульяновлар квартирасининг деворларида географик карталар осиғлиқ бўларди. Хоналарда барометрлар ва девор термометрлари бор эди. Дмитрий Ильич Ульяновнинг ёзишича, оталари «Москвага ёки Петербургга хат ёзиб, турли кўргазмали ўқув қуролларини олиб турарди. Масалан, олиб келтирган астрономик прибор лампадан иборат бўлиб, у қуёш ролини ўйнар ҳамда кичик глобус (ер) ва кумушсимон шар (ой)ни ёритиб турарди. Глобус алоҳида соат механизми ёрдамида ўз ўқи атрофида ва эклиптика бўйича қуёш атрофида айланиб турарди. Ойнинг муайян фазаларида прибор тўла ёки қисман ой тутилишини намойиш қиларди... У шунингдек Москва ёки Ленинградга хат ёзиб, политехника виставкаларини, масалан, ип газлама ишлаб чиқариш, зигзипоя ишлаб чиқариш, пиллакашлик, аркон тайёрлаш ва шу сингиларни акс эттирувчи кўргазмаларни олиб турардим».

Илья Николаевич шунингдек турли физикавий приборлар, химиявий тажрибалар учун материаллар, география, табиатшунослик, зоология бўйича хилма-хил маълумотларни шарҳловчи жадваллар ҳам оларди. У зоология атласини сотиб олган эди. Буларнинг ҳаммасидан болаларнинг у ёки бу дарсга қизиқишини ривожлантириш учун, болаларнинг фан асосларини яхшироқ, ўзлаштиришлари учун фойдаланиларди.

Ольга Ульянованинг дугонаси Катя Арнольд ҳикоя қилишича, Илья Николаевич уйларига тўпланган болалар ўйнаб бўлишгач, уларнинг ҳаммасини ўз кабинетига ёки география, этнография ва табиатшуносликни ўрганишга оид хилма-хил қуроллар ва картиналар билан тўла хонага бошлаб кирарди. Бу ёрда у болаларга картиналар ва карталарни, прибор ва коллекцияларни кўрсатиб, улар ҳақида марок билан гапириб берарди.

(Давоми. Бошқа газетанинг ўтган сонларида).

ҲАММАЁҚНИ КЎРАДИГАН ШИФОКОРЛАР

Ҳар қандай касаллик организм ҳароратининг ўзгариши билан боғланган. Бемор ўсимликлар ҳам «иссиқ чиқазади», бинобарин кўп инфрақизил нур тарқатади. Олимлар ўсимликларга дистанцион диагноз қўйишда шу ҳодисадан фойдаландилар.

—Ўсимликларни ерда текшириш хўжаликларимизда кенг қўламда ўтказилиб турибди,—дейди ВАСХНИИЛ академик-секретари Ю. Н. Фадеев.—Аммо бу машаққатли ишдир. Самолёт бортидан шу информацияни анча тез олса бўлади.

Учувчи лаборатория ёрдами билан олинган суратларда ўсимлик касалликларининг тарқалиш тўла манзараси кўриниб туради.

Аэрофотосъемка жараёнининг бошланишини дарров қайд этишга имкон беради. Чунки касаллик қанча эрта аниқланса, унга қарши кураш шунчалик самарали бўлади. Мутахассислар тезкорлик билан олинган маълумотлар асосида турли экинларнинг зарарланишини ҳозирнинг ўзидаёқ прогноз қилиб бермоқдалар.

Аэрофотосъемка жараёнининг баъзи районларида учадиган экспериментал лабораториялар ишлаб турибди.

Шу беш йилликда совет олимлари ўсимликларга дистанцион диагноз қўйиш методини кенг қўламда жорий этиш учун база тайёрладилар. Унинг ривожланиш истиқболлари қуёнтирмоқда. (ТАСС).

Мамлакатимизнинг баъзи районларида учадиган экспериментал лабораториялар ишлаб турибди.

Шу беш йилликда совет олимлари ўсимликларга дистанцион диагноз қўйиш методини кенг қўламда жорий этиш учун база тайёрладилар. Унинг ривожланиш истиқболлари қуёнтирмоқда. (ТАСС).

Баскетбол

УЧИНЧИ ҒАЛАБА

бўйича мамлакат биринчилигининг олий лигасида иштироқ этаётган Тошкентнинг «Университет» командаси навбатдаги турда Новосибирск шаҳрининг «Локомотив» командасини қабул қилди. Маълумки, ўтган йили бу команда мавсумни анча бўш ўтказиб, олий лигада қолиш учун биринчи лигада дастлабки икки ўринни эгаллаган командалар билан ўтиш турнирида қатнашишга мажбур бўлган эди. Қийин баҳслардан кейин команда олий лигада қолиш ҳуқуқини қўлга киритганди. Ана шу ўтиш турнирида биринчи лигада якка пешқадам бўлган «Университет» ҳам қатнашган эди. Командалар икки учрашувда очколарни тенг баҳам кўришганди.

Бу йилги учрашув меҳмонларнинг ҳужуми билан бошланди. Биринчи бўлимнинг дастлабки минутларида ҳамшаҳарларимиз хатоларга йўл қўябошладилар. Бу меҳмонларга қўл келди. Улар тез ҳужум уюштириб биринчи бўлимни ўз фойдасига ҳал қилишга муваффақ бўлишди—30:32.

Иккинчи бўлимда «Университет» командасининг баскетболчилари танаффус пайтида устозлари берган маслаҳатга аниқ амал қила бошладилар. Натижада уларнинг ҳаракатида аниқлик, уюшқоқлик пайдо бўлди. Кўп ўтмасдан улар ҳисобни тенглаштирдилар. Кейин эса ҳужумни давом эттириб, қисобда олдинга чиқиб олишди. Ўйиннинг сўнгги дақиқаларига қадар улар майдондаги устунликни қўлдан беришмади. Шундай қилиб ҳамшаҳарларимиз бу сафар ҳам ғалабага эришдилар — 78:70.

Ғалабани таъминлашга «Университет» командасининг ҳужумчилари В. Филюшкин ва Г. Авдеевлар катта ҳисса қўшишди. В. Филюшкин ўз командасига 26 очко, Г. Авдеев эса 21 очко келтирди. Ҳозир «Университет» 9 очко билан турнир жадвалининг ўртасидан жой олиб турибди.

* * *

СУРАТЛ А Р Д А: «Университет»— «Локомотив» учрашувидан лавҳалар.

Р. Загратдинов фотолари.



ТОШКЕНТ ШАҲРИДА МЕҲНАТКАШЛАР ВАКИЛЛАРИНИНГ 1980 ЙИЛ 7 НОЯБРЬ НАМОЙИШИ ТЎҒРИСИДА

1980 йил 7 ноябрда Улуг Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллиги шарафига В. И. Ленин номли майдонда Қизил байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг паради ва Тошкент шаҳар меҳнаткашлар вакилларининг намойиши бўлади.

Қизил байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг паради соат 10 да бошланади. Намойишда қатнашадиган меҳнаткашлар вакиллари корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар бўйича йиғилиш пунктларида тўпланадилар ва белгиланган маршрут бўйича район колонналари составида В. И. Ленин номли майдонга борадилар.

Таклиф билетлари билан В. И. Ленин номли майдонга қўйиш соат 9 дан 45 минут ўтганда тўхтатилади.

Махсус пропускага эга бўлган автомашиналардан ташқари барча турдаги транспорт ҳаракати шаҳарнинг марказий қисмида — Навоий, Энгельс, К. Маркс, Пролетар, Ш. Руставели, Ўзбекистон кўчалари, В. И. Ленин номли проспектда соат 7 да тўхтатилади ва меҳнаткашлар намойиши тугагандан сўнг қайта йўлга қўйилади.

Тошкент метрополитени 7 ноябрь куни эрталаб соат 6 дан кечаси 2 гача ишлайди. Соат 8 дан 2 гача «Пахтакор» ва Октябрь революцияси номли станцияларнинг фақат «чиқиш» қисми ишлайди. Бу вақтда В. И. Ленин номли майдон станцияси ёпиқ туради.

ШАҲАР КОМИССИЯСИ

ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Ш. ЗАРИПОВ: Айтингчи, ишчи ёки хизматчи ўз хоҳишига кўра ишдан бўшаган кезларда хасталаниб қолса, унга касаллик варақасига ҳақ тўлаш тартиби қандай бўлади?

Жавоб: Давлат социал страхованиеси бўйича вақтинчалик меҳнатга лаёқатсиз кишиларга нафақалар белгилаш ва тўлаш юзасидан мавжуд бўлган амалдаги қоидага мувофиқ, ишчи ёки хизматчининг меҳнатга лаёқатсизлиги агар улар ишлаётган пайтларида ёхуд ишдан бўшаётган кунда рўй берса, уларга касаллик варақаси учун нафақа тўланаверади. Ишлан бўшаш куни ишнинг сўнгги куни ҳисобланади. Ишдан бўшагандан сўнг ишчи вақтинчалик меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолса, бундай ҳолларда уларга нафақа тўланмайди.

* * *

Р. МУҲАМЕДОВ: Шаҳримизда қурилишда ишлайдиган ишчи кадрлари тайёрлайдиган ўқув муассасалари борми? Шулар ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб: Шаҳримизда қурилишларда ишлайдиган кадрлар тайёрлайдиган кўплаб ҳунар масканлари мавжуд. Шулардан бири Ғафур Ғулом кўчасидаги 6-уйда жойлашган «Главташкентстрой»нинг ўқув комбинатидир. Бу ерда минорали кран машинистлиги ва бульдозер-автогрейдерлик ихтисослигини эгаллаш мумкин. Кўтарма кран машинистлиги ихтисослиги кундуз кунлари ўргатилади, бульдозерчилик касбини эса ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда кечқурун эгаллаш мумкин. Ўқув муддати — 5 ой. Курсларни тугаллаган шахслар қурилиш механизацияси трестига қарашли бошқармаларга ишга юборилидилар.

«Узбекгидроэнергострой» трестининг ўқув комбинати ҳам қурувчи кадрлар тайёрлайди. Бу комбинат Комсомол 40 йиллиги кўчаси, 39-«а» уйда жойлашган. Бу курсларга ёши 18 дан кам бўлмаган шахслар қабул қилинадилар. Қабул қилинган ўқувчиларнинг ҳаммасига ойига 75 сўм ҳажмида стипендия берилади, ёлғиз кишилар эса ётоқхона билан таъминланадилар.

* * *

О. ПИРМАТОВ: Мени бир масала қизиқтиради: автомобилни бошқариш ҳуқуқини олиш учун албатта бирорта курсда ўқиш керакми ёки ўзим тайёрланган ҳолда Давлат автомобиль инспекциясида имтиҳон топширсам ҳам бўлаверадими?

Жавоб: Ҳозирги пайтда автомобилни бошқариш ҳуқуқини берадиган гувоҳномани олиш учун жорий этилган махсус курсларда албатта ўқиш керак. Бундай курслар ДОСААФнинг район спорт-техника клубларида ишлаб турибди. Бундан ташқари, шаҳар автоҳаваскорлар жамияти қошида ҳам ҳайдовчиликни ўргатадиган махсус мактаб бор.

* * *

Ҳ. МАҚСУДОВ: Саноатимиз турли-туман маркада телевизорлар тайёрламоқда. Айтингчи, шу ишлаб чиқарилаётган телевизорлар ичида автомобилга ўрнатиш мумкин бўлган митти телевизорлар ҳам борми?

Жавоб: Ҳа, бор. Бунинг учун биз «Электроника — Ц —430» маркали телевизорни тавсия этамиз. Бу телевизор автомашинанинг аккумуляторидан ҳам ишлайверади. Телевизорнинг ҳажми уни енгил автомашина салонига осон равишда ўрнатиш имконини беради.

Редактор
ўринбосари
С. Б. ЕҚУБОВ

3 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

4 НОЯБРЬ, 1980 й.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 4/XI да **Ганг дарёсининг қизи.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 5/XI да **Тўйдан олдин томоша** (11.00, 15.00).

КИНО

4, 5 НОЯБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«МУЗ УСТИДА РЕВЮ» — **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли.**

«ОКТЯБРЬ ШУЎЛАСИ» — **Восток.**

«УЛУҒ ОКТЯБРЬ» — **С. Раҳимов номли.**

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ОКЕАНДАГИ ОДАМЛАР» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20). **Нурис** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69). **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01). **Санъат саройи** (11, 13, 14, 15, 16.30, 18.15, 20.00). **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61).

«МОСКВА КЎЗ ЁШЛАРИГА ИШОНМАЙДИ» — **Дружба** (12, 14.30, 17.30, 20.00, телефон 66-15-75).

«ГУГУРТ ИЗЛАБ» — **Дружба** (тоқ соатларда), **Мир** (тоқ соатларда, телефон 91-08-30). **Тошкент Совети-нинг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25).

«ҚАЙНОНА» — **Восток** (тоқ соатларда).

«ЧОПАРЛАР ШОШМОҚДАЛАР» — **К. Ерматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66). **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда).

«ҒАҒАРАЛАР ОВОЗИ» — **Тинчлик** (тоқ соатларда, телефон 53-86-07).

«ЖИНОЯТ ҚИДИРУВ БЎЛИМИНИНГ АХБОРОТИ» — **Санъат саройи** (кичик зал, 12, 14, 16, 17.30, 19.00, телефон 44-39-51). **Қозоғистон** (12 13, 16, 17, 20.00, телефон 35-24-92).

«ИЗҚУВАР» — **Қозоғистон** (11, 15, 19, 21).

«СЕНИНГ ЗАМОНДОШИНГ» — **Искра** (17, 19.45, телефон 39-14-59).

М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

5, 6 НОЯБРЬ СОАТ 19.00 ДА
ЛИРИК ВА ҲАЖВИЙ ҚЎШИҚЛАР ИЖРОЧИСИ
ШЕРҚУЗИ ҒОЗИЕВ ИШТИРОКИДА

БАЙРАМ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

СОЛИСТЛАР: **Изомжон САДРИЕВ, Исмоилжон ТУРДИАЛИЕВ, Аъзам ҒОЗИЕВ, Насиба ЭГАМБЕРДИЕВА, Нодира АҲМЕДОВА, Мастура ФАЗЛИДДИНОВА, Ўлмасхон НУРМАТОВА, Зуҳра ҒОЗИЕВА, Гулчеҳра ЮСУПОВА, Саттор ИСЛОМОВ** (оригинал жанри), **Аодуфаттоҳ САИДОВ** (сатира, юмор ва интермедиялар).

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Программани — Мамасоли ХОЛМАТОВ ва Мирзаҳошим КЕНЖАЕВ олиб борадилар.

«БАҲОР» КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

8 НОЯБРЬ СОАТ 12.00 ВА 16.00 ДА
МУКАРРАМА ТУРҒУНБОЕВА НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТҒАН ДАВЛАТ «БАҲОР» ХАЛҚ РАҚС АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати Қ. ДАДАЕВ.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, СССР Давлат мукофотининг лауреати Б. АЛИЕВ.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати МАЪМУРА ЭРГАШЕВА.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Хайрулла ЛУТФУЛЛАЕВ, Р. ҲАМДАМОВ, Г. ФОЗИЛЖОНОВА, У. САИДОВА, Н. МАДРАҲИМОВА.

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари: Г. ҲАМРАЕВА, Д. ЮНУСОВА, Ф. НИЗОМИДДИНОВА, Т. САЙФУДДИНОВ.

Солистлар: Ғуломжон ЕҚУБОВ, Аҳмаджон Шукуров ва бошқалар.

Ансамблининг бадиий раҳбари — Ўзбекистон ССР халқ артисти ҚУНДУЗ МИРКАРИМОВА.

Музика раҳбари — М. МУҲАМЕДОВ.

Касса соат 10.00дан очиқ.

М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

8 НОЯБРЬ СОАТ 15.00 ВА 19.00 ДА

КАТТА БАЙРАМ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:
Қувондиқ ИСКАНДАРОВ, Шариф СУЛТОНОВ, Мўътабар ИУЛДОШЕВА.

СОЛИСТЛАР:
ФАХРИДДИН УМАРОВ

Ҳожиакбар ҲАМИДОВ, Нуржаҳон САТТОРОВА, Гулчеҳра ИСМОИЛОВА, Муҳаббат КУБАНОВА, Роза КАРИМОВА, Ражаб ИСМОИЛОВ, Отамурод ҲОЖИЕВ, Ойхон ЕҚУБОВА, Таваккал ТУРСУНОВА.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Программани — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ҒУЛОМТОЖИ АЪЛОЕВ ва ЎТКИР СИДДИҚОВ олиб борадилар.

ЦУМ—БАЙРАМ АРАФАСИДА

Байрам... У ҳар бир уйга, хонадонга кўпдан-кўп қувонч ва шодликлар, айни бир вақтда байрам совға-саломлари олиб келади.

МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИ
Сизларга қуйидаги ранг-баранг товарларни тақдим этади.

Байрамни янги кийим-бошда қарши олиш қандай ёқимли — янги галстук, модадаги жемпер, жилет.

«Ҳаммаси эркаклар учун» комплексида сизга мамлакатимизда ва чет элларда ишлаб чиқарилган костюмларни таклиф этишади. Улар синтетик тола ва шерстдан тўқилган газмоллардан тикилгандир. Кенг ассортиментдаги курткалар, плашчлар, ҳамма размерлар ва хилма-хил фасонлардаги пальтолар ҳам сўзсиз эркакларни хурсанд этади.

Трикотаж ҳар жиҳатдан афзалдир, трикотаждан тикилган кийимларда сиз ўзингизни модада ва бежирим кийингандек ҳис этасиз.

Аёлларнинг трикотажи савдога жакетлар, жемперлар, свитерлар, кўйлаклар ва костюмли шимлар кўринишида чиқарилган. Уларни Эстония, Латвия, Ўзбекистон трикотаж фабрикалари байрамга тайёрлаб юборишган.

Совға-саломлар, шиша ва чинни буюмлари, кўн-галантерея ва парфюмерия секцияларига кириб ўтишни ҳам унутманг. Бу секцияларда савдо қилинаётган товарлар албатта диққатингизни тортиши ва магазиндан харидсиз чиқиб кетмаслигингизга инонамиз.

Ц У М ГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!
ХАРИДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!
Ц У М
5 ва 6 ноябрда
соат 9.00 дан 21.00 гача
ИШЛАЙДИ

Ц У М.
«УЗТОРГРЕКЛАМА» телепрессагентлиги.

ДАСТУРХОНИНГИЗДА КОНСЕРВАЛАР



Консервалар менюимиздан мустаҳкам ўрин олган. Туристик саёҳатлар, арктик экспедициялар, одис денгиз сафарлари, космик парвозлар, уй-рўзғорда уларнинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди. Улар компактли, уларни сақлаш учун қандайдир алоҳида шарт-шароит талаб этилмайди.

Яна шуни билиб қўйганингиз яхши, маҳсулотларни бу усулда сақлашда инсоният унинг ихтирочиси камтарин француз қандолатчиси Николай Франсуа Апперга ҳар қанча миннатдорчилик билдирса арзийди. Зотан у ўз ихтиросини тасодиф ҳолда яратди. Оғзи пухта беркитилган, шарбат солинган шиша идишни қайнатганида у узоқ вақт бузилмай туришига эътибор бериб қолди. Кўпгина тажрибалардан сўнг қандолатчи шундай хулосага келдики, озиқ-овқатларни рўзғорга ғамлаб қўйиш учун уларни қалайланган темир банкаларда сақлаш бир мунча қулай экан, улар қайнатилан вақтда ҳам ёрилмайди.

1804 йилга келиб, Парижнинг обод кўчаларидан бирида ажойиб бир магазин очилди. Унда «Шиша идишлар ва коробкаларда жойлаштирилган турли емишлар» билан савдо қилина бошланди. Магазин қошида ана шу маҳсулотларни тайёрловчи мўъжазгина фабрика бор эди. Унинг эгаси Николай Аппер эди. Озиқ-овқат маҳсулотларини узоқ вақт бузмай сақлашдаги унинг бу шуҳрати тезда бутун Парижга, кейинроқ эса бутун жаҳонга ёйилди. Ана шу даврлардан буён ҳозирги кунларимизгача консервалар дастурхонимизнинг безаги бўлиб келмоқда.

Балиқ консерваларининг номларини санаб чиқинг: скумбрия, сардина, ставрида, иваси, сельди. Улар ёрдамида таомларимизни истаганча ҳушхўр ва ранг-баранг қила олиш мумкин.

Байрам дастурхонини консервалаштирилган Скумбрия ёки Ставрида пикант паштетлари билан безаш мумкин:

«СТАВРИДА» ПАШТЕТИ

1 банкача «Табиий атлантика ставридаси», 3—4 тухум (обдон қайнатиб пиширилган), қиздирилган пишлоқ, бир бош пиёз. Уларнинг ҳаммаси майдаланиб кетидан таъбга қараб майонез қўшилади.

«СКУМБРИЯ» ПАШТЕТИ

Бир банкача «Табиий атлантика скумбрияси», 2 та олма, бир бош пиёз, 3/4 банкача майонез. Ҳаммаси яхшилаб майдаланади ва қоришгирилади.

ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!

Байрам арафаси кунларида Сизларни

ЧИЛОНЗОР РАЙПИШЧЕТОРГИ МАГАЗИНЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ:

Магазинлардан қуйидагиларни харид қилишингиз мумкин:

ҲУШТАМ СТАВРИДА — баҳоси 1 сўм 80 тийин.
ЕҒ ҚЎШИЛГАН ТАБИИЙ СТАВРИДА — 1 сўм.
АТЛАНТИКА СКУМБРИЯСИ — 52 тийин.
ЕҒ ҚЎШИЛГАН СКУМБРИЯ — 95 тийин.
ТОМАТ СОУСИДАГИ САРДИНА — 65 тийин.
ИВАСИ СЕЛЬДИДАН САРДИНА — 1 сўм.
ТАБИИЙ ИВАСИ СЕЛЬДИ — 70 тийин.

ЧИЛОНЗОР РАЙПИШЧЕТОРГИ.

СИЗНИНГ БАЙРАМ ЛИБОСИНГИЗ

Байрам асли нимадан бошланади? Яхши кайфиятдан. Яхши кайфият айни бир вақтда чиройли байрам костюмига ҳам боғлиқ бўлади.

Сиз костюмингизни ўзингиз тикиб оласизми ёки магазиндан тайёрини сотиб олишни афзал кўрасизми? У ва бу ҳолда ҳам сизнинг «Таштекстильшвейторг» магазинларига киришингиз зарурияти туғилади.

Чиндан ҳам мазкур магазинларда газмоллар ва тайёр кийимларнинг хилма-хил ранг ва моделлардаги турлари мавжуд.

Байрамга башанг кўйлаклар тикиш имконини берувчи газмолларни эътиборингизга ҳавола этамиз— турли рангдаги гулли крепдешинлар (баҳоси 9 сўм 50 тийиндан 11 сўмгача), ацетат ва синтетик толадан тўқилган сунъий газмоллар (баҳоси 4 сўмдан 16 сўмгача), сидирга ранг, йўл-йўлли, катакли ярим шерсть костюмбоп газмоллар (13 сўмдан 16 сўмгача); оқ-қора тусли хон атлас (9 сўм 60 тийин).

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ» магазинлари

байрамолди савдоси кунларида Сизларга эркаклар, аёллар, болаларнинг устки кийимларини тақдим этади:

миллий ва европача фасондаги шойи кўйлаклар (баҳоси 20 сўмдан 40 сўмгача);

турли моделлардаги кремплен кўйлаклар (50 сўмдан 70 сўмгача);

ҳалат кўйлаклар;

турли рангли, ҳар хил фасондаги ва размерлардаги эркакларнинг кўйлаклари (8 сўмдан 12 сўмгача);

Эркакларнинг костюмлари (80 сўмдан 100 сўмгача);

эркакларнинг пиджаклари (30 сўмдан 40 сўмгача);

эркакларнинг шимлари (20 сўмдан 30 сўмгача);

тўқ кўк ва жигарранг тусдаги газмоллардан уйғунлаштириб тикилган эркакларнинг полупальтолари (80 сўмдан 100 сўмгача);

Эркаклар, аёллар ва болаларнинг капрон курткалари (40 сўмдан 90 сўмгача).

МАГАЗИНЛАРНИНГ АДРЕСЛАРИНИ ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ:

1—«Кийимлар уйи» — Шота Руставели кўчаси, 13-уй.
7—Олмазор кўчаси, 169-уй.
8—«Газмоллар ва кийимлар уйи»— Муқимий кўчаси, Оқтепа майдони.
12—М. Горький номли майдон, 54-уй.
36— Новомосковская кўчаси, 17-уй.
38 — Фарҳод ярмаркаси.
40 — Халқлар дўстлиги проспекти, 34-уй.
47—Новомосковская кўчаси, 18-уй.
9, 10, 49—Олой бозори.
18, 19, 22, 35— Октябрь бозори.
53—1/2-Қорақамиш массиви.
74—Госпиталь бозори.

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ».

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ ҲУРМАТЛИ МЕҲМОНЛАРИ

Агарда сиз Ўзбекистонга қилган сафарингиз ҳақидаги хотирангизни абадийлаштириш ва қариндош-уруғларингиз ва яқинларингиз учун байрамга совға-саломлар харид қилишни истасангиз, миллий совға буюмларига кўпроқ эътибор беришингизни маслаҳат кўрамиз.

«СОВҒАЛАР» МАГАЗИНИДА

қуйидагилар билан савдо қилинмоқда:

20 турдаги дўппилар — бухороча, чустча, тошкентча, андижонча, зар ва пистонлар билан тикилган рангли дўппилар;

хон атласдан тикилган миллий кўйлаклар, эркакларнинг чопонлари, жилетлари, аёлларнинг мовут, зар билан тикилган уйда кийиладиган туфлилари;

гулли ва сидирга ранг шерсть, шойи, крепдешин рўмоллар, дуррачалар, эркакларнинг атлас, шойи, сатин чорси белбоғлари;

духоба ва атлас сўзаналар, духобадан тикилган ёстиқ жилдлари;

10 хил миллий совға пичоқлар;

Ўзбекистон шаҳарлари тасвирланган нишонлар, мельхиордан ясалган буюмлар (стакандонлар, тилласуви берилган тарелкали чашкалар, металлдан ясалган вино учун наборлар);

«Нарди» миллий ўйини.

Металлга зарб қилиб ишланган буюмлар, бўйрачўпдан ясалган декоратив паннолар, суяк ва сополдан ясалган буюмлар.

22/1—«СОВҒАЛАР» магазини Навоий кўчаси (шаҳар ярмаркаси)**да жойлашган.**

Иш вақти — 10.00 дан 19.00 гача, танаффус — 14.00 дан 15.00 гача, дам олиш куни —душанба.

«ОЛМОС» бирлашмасининг заргарлик магазинларида тилла ва кумушдан ясалган буюмлар — узуклар, исирғалар, марваридлар, тўғноғичлар билан кенг ассортиментда савдо қилинмоқда.

ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!

СИЗЛАРНИ «О Л М О С» ЎЛГУРЖИ-САВДО БИРЛАШМАСИ МАГАЗИНЛАРИГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ!



УЛАРНИНГ АДРЕСЛАРИНИ ЭСЛАБ ҚОЛИНГ:

1—«ИЗУМРУД» — Б. Хмельницкий кўчаси, 56-уй.
2—«РУБИН» — Б. Хмельницкий кўчаси, 56-уй.
10—Октябрь бозори.
13—Навоий кўчаси, 1-уй.
14— Олой бозори.
17—Госпиталь бозори.
18—Навоий кўчаси, шаҳар ярмаркаси.
26 — Бешёғоч бозори.
27—Ленин проспекти, 40-уй.

«ОЛМОС» республика улгуржи савдо бирлашмаси.

«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

4 НОЯБРЬ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Фан оламида». Фан ва техника соҳасида 1980 йилги Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари. Кўрсатувда СССР Давлат мукофотининг лауреати, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти Е. П. Велихов, ВЛКСМ Марказий Комитети ёш олимлар билан ишлаш бўлимининг мудири В. А. Сидоров иштирок этадилар. 20.15 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг СССР халқ артисти Ю. Силантьев раҳбарлигидаги эстрада-симфоник оркестри ижросида революцион қўшиқлар мавзуларига ёзилган фантазия. 20.25 «Сўна». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 21.30 «Время». 22.15 «Биргалашиб куйлайлик, дўстлар». Музикали программа. Танаффус пайтида (23.00)—«Дунё воқеалари.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 «Сўз кетидан сўз келар». Мактабгача ёшдаги болаларни рус тилида сўзлашишга ўргатиш (такрорий). 18.35 «Ясамининг саргузаштлари». Тўқимачилар саройи «Улибка» болалар агитбригадасининг спектакли. 19.00 «Коммунистлар университети». «Партия ташкилотларида ҳисобот ва сайловлар». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Газал оқшоми». Кўрсатувни Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати, шоир Эркин Воҳидов олиб боради. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Ўзбек артистлари ижросида чет эл Шарқи халқларининг куйлари». 21.30 Москва. «Время». 22.15 «Ишга туширилаётган объектлар ўз муддатида». Сирдарё галла қабул қилиш пункти қурилишида (рус.). 22.30 К. Яшин. «Инқилоб тонги». Ҳамза номли Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 00.30 Кўрсатувлар программаси.

5 НОЯБРЬ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.50 Эрталабки гимнастика. 10.15 «Ёшлар адреслари». 11.15 «Сўна». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 12.20 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Беозор уччилар». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 16.30 «Горничилар, қаердасиз!». 17.00 «Рус тили». 17.30 «Звездочёт». Телевизион журнал, Кўрсатувни Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси Ю. Н. Глазков олиб боради. Қалмиқ АССРнинг 60 йиллигига.

18.15 «Яшарган чўл». Телевизион ҳужжатли фильм. 18.50 Қалмиқ АССР Давлат «Тюльпан» ашула ва рақс ансамблининг концерти. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Телевизион ҳужжатли фильм. 19.45 «РСФСР халқ артисти Л. Гурченко ижросида уруш йиллари қўшиқлари». 20.20 «Сўна». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия. 21.30 «Время». 22.15 Футбол бўйича кубок эгаларининг кубоги учун. «Динамо» (Тбилиси) «Уо Терфорд» (Ирландия) Тбилисидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (23.00)— «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

22.00 «Қишлоқ янгиликлари». 23.00 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 23.15 Гандбол бўйича СССР чемпионати. Эркаклар. «Гранитас» (Каунас) —МАИ (Москва). Каунасдан олиб кўрсатилади. 23,50 Москва кўрсатувларининг охири.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Бизнинг Чуқоқкала». Кўғирчоқ фильм. 12.25 Болалар учун. «Ўйлаб топ?» (такрорий). 12.55 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Касбим—фахрим». 13.25 «Қойилмақом Фердинанд». Телевизион бадиий фильм (рус.).

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Зангори филча». Болалар учун мультфильм. 18.30 «Тенгдошларинг ижоди». 19.00 КПСС Марказий Комитети Октябрь пленуми қарорлари — ҳаётга! «Тошкент тўқимачилик комбинати: Беш йиллик якунлари». 1-кўрсатув (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Ҳаёт» формуласи». «Ўзбектелефильм» премьераси. 20.00 «Байрам мушояраси». 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Наима Пўлатова ва Икромжон Бўроновнинг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.15 «Қора консулнинг ҳалокати». Бадиий фильм. 23.45 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги. 24.00 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 Эстетика. «Санъатнинг синфийлиги, партиявийлиги ва халқчиллиги». 20.55 Реклама. 21.15 «Қонун кўрқичлари». 21.45 Сиртдан ўқиётган студентлар учун Физика. 22.45 «Қўшиқчи». Ижодий портрет (рус.).

Тошкент «Сервис» фирмаси коллективи фирма директори С. Р. Нуриддиновга отаси

Нуриддин РАСУЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

4 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

4 НОЯБРЬ, 1980 й.

(«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

Р—16684.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши —32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги —32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот —33-28-95. спорт ва харбий-ватанпарварлик ишлари —32-58-65; хатлар—33-29-70; эълонлар бўлими —33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг назоратчилари — 33-90-50.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64579.

Б—2238.